9 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 64 (20. 631) • 1990 йил 17 март, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ҚОНУНИ

СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Мамлакатда амалга оширилаётган чуқур сиёсий ва иқтисодий ўзгартишлар янада ривожланишини таъминлаш, конституцион тузумни, гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг баҳамжиҳат бўлиб ишлашини яхшилаш мақсадида СССР халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:**

1. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти лавозими таъсис этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, СССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иттифоқдош ва автоном республикалар Конституцияларида ва СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқий ҳолатини ўзгартирмайди ҳамда уларнинг ҳуқуқ доирасини чеклаб қўймайди.

II. СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Муқаддимадан «Бутун халқнинг авангарди — Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ошди» сўзлари олиб ташлансин.

2. 6, 7, 10, 11, 12, 13 ва 51-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6-модда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бошқа сиёсий партиялар, шунингдек, касаба союз, ёшлар, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари орқали ва бошқа шаклларда Совет давлатининг сиёсатини ишлаб чиқишда, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашадилар.

7-модда. Барча сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар ўз дастурлари ва низомларида кўзда тутилган вазифаларни бажарар эканлар, Конституция ва совет қонунлари доирасида иш кўрадилар.

Совет конституцион тузумини ва социалистик давлатнинг бутунлигини зўравонлик билан ўзгартириш, унинг хавфсизлигини қўпориш, ижтимоий, миллий ва диний адоватни авж олдириш мақсадини ўртага қўядиган партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларнинг тузилишига ҳамда уларнинг фаолиятига йўл қўйилмайди»;

«10-модда. СССРнинг иқтисодий системаси совет гражданларининг мулкчилиги, коллектив ва давлат мулкчилиги асосида ривожланади.

Давлат мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш учун зарур шароит яратади ва уларнинг тенг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзларининг табиий ҳолатида муайян территорияда истиқомат қилувчи халқларнинг дахлсиз мол-мулки бўлиб, халқ депутатлари Советлари ихтиёрида туради ва фойдаланиш учун гражданларга, корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга бериб қўйилади.

11-модда. СССР гражданининг мулки унинг шахсий мол-мулкидир ва ундан моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларни қондириш, мустақил хўжалик ва қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолият юритиш учун фойдаланилади.

Истеъмол ва ишлаб чиқариш мақсадларига хизмат қиладиган ва меҳнат даромадлари ҳисобига ҳамда бошқа қонуний асосларга мувофиқ орттирилган ҳар қандай мол-мулк гражданнинг мулки бўлиши мумкин, гражданлар мулк қилиб олишига йўл қўйилмайдиган мол-мулк турлари бундан мустаснодир.

Деҳқончилик ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа мақсадлар учун гражданлар умрбод мерос бўлиб қоладиган, шунингдек фойдаланиладиган мулк сифатида ер участкаларига эга бўлишга ҳақлидирлар.

Гражданнинг мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи эътироф этилади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

(Давоми учинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УЧИНЧИ СЪЕЗДИДА

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

СССРнинг биринчи Президенти этиб сайлаб, менга ишонч билдирганингиз учун чуқур миннатдорчилик изҳор қиламан.

Ушбу вазифани давлат учун қийин бўлган пайтда қабул қилиб олаётганимни тушуниб турибман. Мен ўз номзодим Президентликка овозга қўйилиши учун розилик бердим, чунки Ватанимизнинг келажагига ишонаман, яна шунинг учун ҳамки, қайта қуриш бутун ҳаётимнинг мазмунига айланганлигига аминман.

Алоҳида масъулиятли эканлигимни тушунаман, бунгача мен ўз номзодим муҳокама қилинган чоғда депутатларнинг нутқларини тинглаб, яна бир бор чуқур ҳис этдим. Халқ олдидаги бурчимни ижро этишдан ўзимни четга олмайман.

Қайта қуриш сиёсати, ўйлашимча — бизнинг мамлакатимиз сингари мамлакат учун сифат жиҳатидан янги ҳолатга, авторитар-бюрократик системадан инсонпарвар демократик социалистик жамиятга ўтишнинг имкони бўлган бирдан-бир тинч йўлдир.

Президент сифатида мендан қилинган ишларга баҳо берилишини ва келгусига мўлжалланган ўз ҳаракат программамни қандай тасаввур этишимни кутмоқдалар.

Қайта қуришнинг асосий ғалабаси — демократия ва ошкораликдир, бу келгусидаги ўзгартишларнинг бутун бориши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳозирги аҳвол мураккаблигига, ижтимоий-сиёсий соҳада жуда кўп қийинчиликлар ва муаммолар мавжудлигига қарамай, шуни айтиш мумкинки, бу борада ҳам инсон манфаатлари сари муҳим бурилиш қилинди. Биз ҳаммамиз сиёсий ўзгартишларнинг дастлабки реал натижаларини ҳис этмоқдамиз. Чинакам халқ ҳокимияти системаси барпо этилмоқда, ҳуқуқий давлат негизлари шаклланмоқда. Унитар давлатдан тўлақонли федерация сари қийин, аммо ҳаётий муҳим ўтиш бошланди.

Биз ўз мамлакатимизда қайта қуришни янгича фикрлаш асосида авж олдириб, янги ташқи сиёсатни ишлаб чиқдик. Бу Совет Иттифоқининг ҳозирги дунёдаги роли тўғрисидаги тасаввурни ўзгартирди. Энг муҳими эса, сўнгги маррада, дунё жаҳоншумул ҳалокат ёқасига келиб қолган пайтда бунга эришилди, дейиш мумкин. Воқеаларнинг хатарли боришининг олди олинди, халқаро муносабатлар соғломлаша бошлади.

Хуллас, ўртоқлар, тарихий миқёсдаги бурилиш тўғрисида гап бормоқда. Буни ҳаммамиз англашимиз муҳим, акс ҳолда қайта қуриш дуч келаётган анчагина, кўпинча аламли ҳодисаларни тўғри баҳолаш қийин.

Ўзгаришларнинг бундай қудратли тўлқинида, рўйрост айтамизки, бунга кадрларнинг, жамоат онгининг тайёр эмаслигида биз, табиийки, ҳамма нарсани зарур бўлган даражада бажаришга улгурмадик. Нохуш ҳолатларнинг кечиши: Чернобил, Арманистон, бошқа табиий офатлар, жаҳон бозорида биз учун вазиятнинг кескин даражада ёмонлашганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Инвестиция сиёсатида, ичкиликбозликка қарши кампанияни ўтказишда йўл қўйилган ҳатолар катта зарар келтирди. Жиноятчорона совуққонлик ва миллатлараро адоватни янада жиноятчорона авж олдириш оқибатида катта талофот берилди ва одамлар қурбон бўлди.

Қолоқлик, ўн йиллар давомида қарор топган ақидапарастлик, турғунлиққа, сусткашлиққа, юқоридан кўрсатма билан яшашга кўникиш бизга халақит берди. Буларнинг ҳаммаси бугунги кунда ҳам ўз таъсирини кўрсатиб турибди. Мен ҳатто шундай деб айтган бўлардим: иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги барча қийинчиликлар, бошқа муаммоларнинг кескинлигига қарамай, онгнинг қотиб қолганлиги ўзгартишлар йўлидаги асосий тўсиқдир.

Қайта қуришга қарши бўлган турли кўринишдаги бузғунчи кучларнинг тўсқинлик қилувчи таъсири тўғрисидаги масалани ҳам четлаб ўтолмайман. Уларнинг хатти-ҳаракатлари қўшимча қийинчиликларни вужудга келтирмоқда ҳамда жамиятимизни янгилашга астойдил интилаётган барча кишилардан жипслашиш ва қатъиятни талаб этмоқда. Вазиятнинг фожиали эканлигини, муаммоларнинг мураккаблиги ва ўзига хослигини, жамиятнинг безовталигини англаб турибман, аммо ваҳимага тушиш, бунинг устига сиёсатни ўзгартириш учун асосни сезмаяпман.

Аксинча, қайта қуриш сиёсатини чуқурлаштириш зарурлиги аён. Айни шу мақсадда аввало Президент ваколатидан фойдаланаман. Шуни алоҳида таъкидлайманки, бундан буён ҳам барча қайта қуриш жараёнларини демократик асосда ҳақиқатан ҳам қатъият билан олға томон силжитиш учун ана шу ваколатлардан фойдаланаман.

Съездга ҳам, бу ерда, Съезднинг ўзида ҳам Президентлик ҳокимиятни қўлга олиш ҳавфини туғдирмайдими, деган хавотирлик билдирилаётганлиги учун бу ҳақда гапиришни зарур, деб ҳисоблайман. Бундай хавотирлик учун асос йўқ. Эндиликда қудратли, реал ҳуқуқларга эга бўлган давлат ҳокимиятининг олий ваколатли органлари — халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет ҳимоясидаги Конституциянинг ўзи бунга кафолат беради. Яккаҳокимлик сари ривожланишни истисно этадиган жиддий, пухта ўйланган қарши ҳаракат бунга кафолат беради. Бизда реалликка айланган ошкоралик, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги бунга кафолат беради.

Ижтимоий ва иқтисодий соҳада кескинликни пасайтиришга қаратилган туркум тадбирларни амалга оширишни биринчи галдаги вазифа деб ҳисоблайман.

Ҳозир «қатъиятсизлик», «сусткашлик», зарур чоралари кўришда «кечикиш» ва шу сингарилар тўғрисида кўпгина фикрларни эшитиш мумкин. Бунда қисман ҳақиқат бор. Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, биз зарур тайёргарлик босқичини ўтдик. Биз хўжалик ҳисобини, хўжалик юритишнинг ижара ва пудрат сингари биз учун янги шаклларини синаб кўрмай, кооперацияни тикламай, ташкилий-бошқарув тузилмаларини ва хўжалик амалиётида пайдо бўлган бошқа кўпгина нарсаларни ўзгартирмай, мавжуд муаммоларни, иқтисодий ислоҳот доирасида уларни ҳал этишнинг энг мақбул усулларини тушунишнинг ҳозирги даражасига эриша олмаган бўлур эдик. Ниҳоят, Олий Совет қабул қилган ёки қабул қилиш арафасида турган ғоят муҳим қонунларни ишлаб чиқишнинг имкони бўлмас эди.

Жамият мана шу жараёнларнинг ҳаммасини бошидан кечириши лозим эди. Биз бунчалик туб ўзгаришларга тайёр эмас эдик, ҳозир ҳам тўла-тўкис тайёр эмасмиз. Хуллас, тайёргарлик босқичи объектив тарзда муқаррар эди. Умуман авторитар-бюрократик системага барҳам бермай туриб, иқтисодиётни тубдан қайта қуришнинг имкони бўлмади. Ҳақиқатан ҳам туб иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш учун бизда ҳуқуқий омиллар ҳам йўқ эди.

Эндиликда бундай омиллар мавжуддир, ниҳоят, хўжалик юритишнинг эски ва янги шакллари—буйруқбозлик ва иқтисодий шакллари зиддиятли тарзда, ўзаро бир-бирини заифлаштириб, мавжуд вазиятга барҳам бериш имконияти пайдо бўлди. Натижада буйруқбозлик усулларининг ҳам, иқтисодий усулларнинг ҳам таъсири сусайиб, истеъмол бозори, пул муомаласи ва молиянинг номувофиқлиги кучаймоқда, иқтисодий ўсишнинг суръатлари ва сифати пасаймоқда. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ хатарли аҳвол ҳам иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Айни бурилиш қилиш зарур, акс ҳолда салбий тенденциялар аввалгига қараганда тезроқ кучайиб боради.

Бизга иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришга доир қатъий ҳаракатлар зарур, деб ҳисоблайман.

Энг аввало мулкчилик, ер, ижарага оид қонунлардаги, мазкур мажмуанинг бошқа қонун ҳужжатларидаги жуда катта бунёдкорлик қудратини амалда рўёбга чиқариш керак. Бу Қонун ҳужжатлари қабул қилиниши якунловчи босқичда турибди. Ана шу қонунларни амалга оширишни Президентнинг асосий вазифаси, деб биламан.

Агар биз тегишли иқтисодий муҳит яратиб бермасак, қонунлар ўз-ўзидан кучга кирмайди, одамларнинг ташаббуси бўғилиб, омилкорлиги юзага чиқмай қолади. Биз тўлақонли ички бозорни яратиш билан амалда шуғулланишимиз керак. Бу — ғоят мураккаб иқтисодий, сиёсий ва психологик муаммодир. Уни бирданига ҳал этиб бўлмайди, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ бу соҳада изчиллик билан ҳаракат қилиб, ҳар қандай қўрқув ва мажмуалардан халос бўлишимиз лозим.

Бунда нарх белгилаш, таъминот ва сотиш системаларини ислоҳ қилмасдан туриб, давлат буюртмаларини жойлаштириш, товар, пировардида эса фонд биржаларини тузиш практикасини ўзгартирмай туриб, ҳеч бир натижага эришиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг ортиқча маҳсулотларини эркин сотиш билан уйғун ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёнинг асосий турларига нисбатан натура солиғига ўтиш катта қадам бўлиши керак.

Иқтисодиётни маҳаллийлаштиришга қаратилган қонунлар ва қарорларни ҳеч кечиктирмай қабул қилиш зарур.

Ривож топадиган бозор шароитида давлат иқтисодий жараёнларга таъсир этувчи мустаҳкам омилларга эга бўлиши керак. Бунга биринчи навбатда корхоналар оладиган фойдага ва аҳоли даромадига солиқ солишнинг оқилона системаси, молиявий назорат, СССР Давлат банки томонидан бутун тўлов оборотини яхлит тарзда йўлга солиб туриш, реал иқтисодий аҳволга мос келадиган процент ставкаларини белгилаш билан бирга фаол кредит сиёсати ўтказиш киради.

Давлат бюджети камомадини тугатиш, пулнинг қадрсизланиши жараёнига қаршилик кўрсатиш мақсадида давлат харажатларини яқин вақт ичида анча қисқартириш ҳамма нарсадан кўра зарурдир. Айни вақтда бутун аҳоли учун, биринчи навбатда кам ҳақ тўланадиган ва кам таъминланган аҳоли табақалари учун ишончли ижтимоий кафолатларни, социал ҳимояланиш турли тадбирларини, шу жумладан нарх-наво ўсиши муносабати билан даромадларга ўрни қопланадиган қўшимчалар системасини ишлаб чиқиш керак.

Аграрчи депутатлар, мазкур депутатлар вакил бўлиб келган барча қишлоқ меҳнатчилари совет деҳқонлари турмушининг барча масалалари, озиқ-овқат масаласи Президент сифатида мен учун энг устун масалалар эканлигини билишлари керак.

Ана шу барча тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъулиятнинг асосий оғирлиги, табиийки, ҳукумат зиммасига тушади. Айни вақтда муҳим масалалар юзасидан вазифалар, муддатлар ва масъул кишилар аниқ белгилаб қўйиладиган Президент фармонларини қабул қилишга тўғри келади.

Ниҳоятда самимий бўлиш керак: кенг кўламли тадбирларнинг амалга оширилиши жамиятни янги шароитларга қўяди ва дастлабки пайтларда мушкул ҳолатлар бўлиши, кимнингдир манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам жамиятда барча туб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатликка ва тотувликка эришиш лозим.

Ўртоқлар! Федерациямизни қай тарзда ўзгартириш қайта қуришнинг тақдирига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Энди Президент сифатида мен мамлакатимиз яхлитлигига содиқлигимни яна бир марта тасдиқлайман. Айни вақтда иттифоқдош республикалар суверенитетини, уларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш, автоном республикалар, бошқа миллий-территориал тузилмалар мақомини ошириш борасида чора-тадбирлар кўриш Президент ҳокимиятининг алоҳида ғамхўрлик қиладиган соҳаси, деб ҳисоблайман.

Ушбу масалалар хусусида бу ерда айтилган фикрларга қўшилиб, ҳозирги реалликларни ва федерациямизни, ҳар бир халқни ривожлантириш эҳтиёжларига жавоб бера оладиган янги Иттифоқ шартномасини дарҳол ишлаб чиқиш керак, деб ҳисоблайман. Бунда ҳар бир республиканинг ўзига хос шароити ва имкониятларини ҳисобга олиб, федератив алоқалар табақалашувини назарда тутиш керак.

Республикалар мустақиллигини ва уларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини тасдиқлаш мақсадида яқин вақт ичида Олий Совет Иттифоқдан чиқиш дастўрини муҳокама қилиши ва бу дастур Қонун билан белгиланиши зарур. Президент федерация кенгаши билан биргаликда Олий Совет ҳамкорлигида мана шу барча масалалар билан шуғулланади.

Миллатлараро адоват негизида вужудга келган мушкул муаммоларни, энг аввало қочоқлар муаммосини ҳал этиш учун шошилинч чора-тадбирлар кўриш зарур. Бу хусусда тегишли иттифоқдош республикалар ҳукуматларининг қарорлари, зарур ҳолларда эса Иттифоқ ҳукуматининг ҳам қарорлари қабул қилиниши керак. Умуман бугун биз масалани шу тарзда қўйишга ҳақлимиз. Иттифоқдош республикалар ўз суверенитетларини мустаҳкамлаб ва кенг мустақилликка эга бўла бориб, ўз территорияларида — ўзимизнинг совет нормаларимизга ҳамда халқаро нормаларга мувофиқ, барча миллатларга мансуб кишиларнинг гражданлик ҳуқуқлари таъминланиши учун тўла масъулиятни ўз зиммаларига олишлари зарур. Сиёсий, ҳуқуқий ва моддий масъулиятни ўз зиммаларига олишлари керак.

Кейинги вақтларда миллатчилик, шовинистик ва ҳатто ирқчилик шиорлари тарқалиши хавфи вужудга келди. Бунга қарши мамлакатимиз Конституциясининг, қонунларининг бутун кучини қўллаб, аёвсиз кураш олиб бориш зарур.

Сиёсий ислоҳотнинг бошқа масалалари қаторида, менинг назаримда, биринчи навбатда халқнинг ўзини ўзи бошқаруви тўла ҳуқуқли органлари сифатида Советларнинг бутун янгиланган структураси тезроқ қарор топишига кўмаклашиш вазифаси Президент олдида кўндаланг бўлиб турибди.

(Давоми иккинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатлари Съездининг қарори

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:** Ўртоқ Анатолий Иванович **Лукьянов** СССР Олий Советининг Раиси қилиб сайлансин.

СССР Президентининг мухбирлар билан суҳбати

СССР Президенти М. С. Горбачев 15 март куни Кремлда мухбирлар билан суҳбат ўтказди. У совет ва чет эл журналистларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Мухбирлар билан суҳбат тўғрисидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

СЪЕЗД ПРЕЗИДЕНТ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида 15 март куни танаффусдан кейин **М. С. Горбачев** сўзга чиқиб, бундай деди: СССР Президенти этиб сайланишим муносабати билан СССР Олий Совети Раиси сифатидаги вазифам тугади. Шуни ҳисобга олиб СССР Олий Совети Раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш керак.

Съезд бу масалани кун тартибига киритди.

Съезд М. С. Горбачев СССР Президенти этиб сайланиши муносабати билан унинг СССР Олий Совети Раиси ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисида, А. И. Лукьяновнинг СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимидаги (чунки бу лавозим бекор қилинди) ваколатларини тўхтатиш тўғрисида ва М. С. Горбачев Президент лавозимига сайланиши муносабати билан унинг СССР халқ депутати ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар ўрни бўшаб қолган юксак давлат лавозимига номзодлар хусусида ўз муносабатларини белгилаб олишлари учун яна танаффус эълон қилинди.

Депутатлар яна мажлисга тўпланишгандан кейин овоз бериш йўли билан Съезд президиумига ушбу анжуман ишини охирига етказиш учун зарур бўлган ваколатларни бердилар.

Шундан кейин Съезд СССР Олий Совети Раиси лавозимига номзодлар кўрсатишга киришди. Таклиф тушиши тартибига кўра депутатлардан А. И. Лукьянов, Е. П. Велихов, А. М. Яковлев, Ю. А. Рижов, А. Н. Яковлев, Н. А. Назарбоев, Е. М. Примаков, А. И. Казанник, К. Д. Лубенченко, Н. В. Федоров, А. А. Собчак, С. Б. Станкевич, А. И. Вольский, С. М. Рябченко, Г. И. Фильшин, Д. Н. Кугультинов, Г. В. Колбин, И. И. Заславский, Н. И. Рижков номзодлари кўрсатилди.

Бир қанча депутатлар ўз номзодларини қайтиб олишганидан кейин муҳокама қилиш учун рўйхатда депутатлардан А. И. Лукьянов, Е. П. Велихов, А. И. Казанник, К. Д. Лубенченко, Н. Ф. Фёдоров, А. А. Собчак, С. М. Рябченко, Г. И. Фильшин номзодлари қолди.

Съезд қатнашчилари СССР Олий Совети Раиси лавозимига А. И. Лукьянов номзодини муҳокама қилишар экан, турлича фикрларни айтишди. Чунончи, депутат **В. А. Шаповаленко** ана шу юксак лавозимда бошқа киши бўлиши керак, деб уқтирди, унинг фикрича, муҳокама этилаётган номзодда жумладан, холислик сингари муҳим фазилат йўқ. Депутатлардан **Л. А. Кузнецов, Ю. Х. Калмиков, В. Ф. Романов, А. В. Голев, В. Д. Романенко** ва бошқалар танқидий мулоҳазалар, конкрет таклифлар айтишди. Аксарият нотиқлар даъвогарнинг теран ҳуқуқий билими, катта тажрибаси ва бошқа фазилатларини таъкидлаб, А. И. Лукьянов номзодини қўллаб-қувватладилар, Съезд қарори билан унинг фамилияси овоз бериш учун рўйхатга киритилди.

Е. П. Велихов номзоди муҳокама қилинаётганида депутат **А. Н. Мурашев** сўзга чиқди. Мен академик билан тез-тез учрашиб тураман, деди у, Е. Велихов СССР Олий Совети фаолиятини қайта тузишни режалаштириб қўйган. Даъвогар ана шу давлат идораси аппарати ишига туб ўзгартишлар киритиш ниятидадир.

Депутат **Ю. Ю. Болдирев** ҳам Е. П. Велихов учун овоз беришга даъват этди.

А. И. Казанник номзоди муҳокама қилинаётганда депутат **Ю. Т. Комаров** сўзга чиқди. У А. И. Казанник Сибирь газеталаридан бири мухбири билан суҳбат чоғида айтган гаплардан кўчирмалар келтириб, ўзининг номзодга салбий муносабатини асослади. Тувалик депутатга мазкур суҳбат шу қадар мақбул бўлмабдики, у Съезд аҳлига мурожаат қилиб, ҳатто номзодни рад этишни таклиф қилди. Депутатлардан **А. М. Оболенский, И. В. Сорокин, Г. В. Старовойтова** ва бошқалар бу фикрга қўшилишмади.

Навбатдаги номзод **К. Д. Лубенченко** СССР Олий Совети Раиси лавозими хусусида ўз нуқтаи назарини баён этди. Нотиқлар унинг номзодини қўллаб-қувватлашиб, юрист сифатида юксак касб маҳоратини, мустақил фикр юритишини, мураккаб масалаларни ҳал этишдаги босиқ-вазминлигини таъкидладилар. Нотиқлар Олий Советнинг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари парламент ишини самарали йўлга қўйиш учун ташкилотчилик қобилиятига эгадир, деб алоҳида уқтиришди. **Э. А. Памфилова, Р. А. Медведев, М. М. Сафин, В. И. Прокушев, Н. И. Кашников** К. Д. Лубенченко номзодини қўллаб-қувватладилар. Қарши гапирувчилар бўлмади.

Н. В. Федоров номзодини қўллаб-қувватлаган депутатлар «қайта қуришни яшартириш» лозимлигини далиллардан бири сифатида тилга олдилар. Далил сифатида яна қуйидаги фикр ҳам айтилди: СССР Олий Советининг Қонунчилик комитети аъзоси сифатида номзод матбуот ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонуннинг прогрессив лойиҳасини ҳимоя қилиб, принципиаллик кўрсатди. **Н. В. Федоров**нинг ўзи Съезд қатнашчиларини СССР Олий Советини мустақил парламентга айлантиришга доир позицияси билан қисқача таништирди, нотиқнинг фикрича, ана шу мустақил парламентнинг қиёфаси қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларини бўлиш вазифасига жавоб беради.

Съезд А. А. Собчак номзодини муҳокама қилишга ўтади. Депутат **А. А. Жаримов** Адигей делегацияси номидан гапириб, номзодга қарши чиқди. Депутат бир кун илгари А. А. Собчак, унинг фикрича, қўпол хуружга йўл қўйганини эслатди. Депутат **В. И. Колотов** Съезд даъвогарни бир хил идрок этмаётганлиги унинг шубҳасиз ижобий фазилатларидан устун келмаслиги лозим, деди. Депутатлардан **А. Е. Андреев, А. П. Яненко, С. Ф. Ахромеев** ва бошқалар, таклиф этилаётган номзоднинг юксак касб маҳоратини эътироф этиб, айни вақтда унинг фетъл-атворини, сўзлаш тарзини танқид қилдилар. Депутат **Е. Д. Айпин** Съезд аҳлига мурожаат қилиб, келажак тўғрисида ўйлашга ҳамда А. А. Собчак ва бошқа ёш даъвогарлар номзодларга эътибор беришга даъват этди.

Сўз сўраб минбарга чиққан **А. А. Собчак** ўз шанига айтилган гаплар чуқур фикр-мулоҳаза юритишга даъват қилишини эътироф этди. Ижобий силжишларга қарамай, деб таъкидлади у, Олий Советга ҳозирча мустақиллик, профессионализм, масъулият, демократизм етишмай турибди, у парламент аппаратини тубдан ислоҳ қилишни ёқлаб гапирди. Депутат якут ва адигей халқлари вакиллари олдида узр сўрашга тайёр эканлигини айтиб, айни вақтда унинг сўзлари нотўғри талқин қилинди, деб уқтирди: менинг сўзларим, деди А. А. Собчак, депутатликка албатта ўтишга уриниб, ўзи вакил бўлган халқи орасидан ҳам эмас, ўзи туғилиб яшаган ёки ишлаётган жойидан ҳам овозга қўйилмаётган сиёсий арбобларга қарши қаратилган эди.

Даъвогарлардан яна бири — **С. М. Рябченко** парламент ишининг мазмунини ўзи қандай тасаввур этаётганини баён қилиб берди. Депутатнинг фикрича, мамлакатнинг Олий Совети Президентга муайян даражада муқобил бўлиши, иккинчи жиҳатдан эса қонунларни ҳаётга татбиқ этишнинг дастури бўлиши керак.

Шундан кейин депутатлар яширин овоз бериш учун бюллетенга СССР Олий Совети Раиси лавозимига қуйидаги номзодлар (алифбе тартибида): Е. П. Велихов, А. И. Казанник, К. Д. Лубенченко, А. И. Лукьянов, С. М. Рябченко, А. А. Собчак, Н. В. Федоров, Г. И. Фильшинни киритиш учун овоз бердилар.

Съезднинг кечқуринги мажлиси депутат **В. И. Воротников** раислигида очилди. Саноқ комиссиясининг раиси **Ю. А. Осипьян** СССР Олий Совети Раисини сайлаш тартибини эълон қилди.

Шундан кейин яширин овоз берилди. Депутатлар яна мажлисга тўпланишганида, Съезд президиумининг топшириғига биноан, Олий Совет палаталарининг раислари СССР ҳукумати билан биргаликда Литва ССР Олий Совети қабул қилган қарорлар муносабати билан Съезд қарорининг лойиҳасини тайёрлаганликлари маълум қилинди.

Миллатлар Советининг Раиси **Р. Н. Ишмонов** қарор лойиҳасини ўқиб эшиттирди. У депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига ҳам жавоб берди.

Депутат **Ю. И. Гниненко** муҳокамада биринчи бўлиб сўзга чиқиб, биз бугун иккинчи тарихий воқеанинг иштирокчиси бўлиб турибмиз, деб уқтирди. Иттифоқимиз шундай бир чегарага келиб тўхтадики, бу сарҳадни бузиб бўлмайди. Тўхташ керак, ўйлаб кўриш лозим. Литвада яшаётган бутун халқнинг, ҳар бир одамнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиш даркор ва фақат шундан кейингина жиддий қарор қабул қилиш мумкин бўлади. Эҳтиросларга суяниб бўлмайди. Нотиқ Съезд қарори лойиҳасини қўллаб-қувватлашни таклиф қилди.

Депутат **В. П. Ивановнинг** фикрича, Литванинг СССРдан чиқиши, аввало, эндиликда ҳокимият тепасига чиқиб олган сиёсий экстремистларга фойдали, бунинг Литва халқига сира ҳожати йўқ. Бу фақат сиёсий кўрликкина эмас, Литва халқи, СССР халқларига, Совет Литвасининг барҳаёт ва марҳум ҳимоячиларига хиёнатдир. Бу қайта қуришга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга, давлатнинг мудофаа салоҳиятига ва юз мингдаб одамларнинг тақдирига зимдан туриб урилган зарбадир.

Литва тўғрисида қарор қабул қилишдаги шошма-шошарлик ҳам, Литванинг шоша-пиша қилган айрим ҳаракатлари ҳам оқилона қарорни топишдаги йўлни чигаллаштиради холос, деб уқтирди депутат **М. Л. Бронштейн.** Нотиқ СССРнинг биринчи Президенти нутқидан айрим кўчирмалар келтирди: биринчи Президент янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқишда федератив алоқаларни табақалаштиришни кўзда тутиш лозим, деган эди. Бу мақбул қарорларни топиш имкониятини очади.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Янги республика Советлари ва маҳаллий Советлар ҳозир Ер ва Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар туфайли зарур ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлдилар; тез орада маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун қабул қилиниши керак. Айни вақтда партия ташкилотларининг Советларга васийлик қилишига, аниқ давлат ва хўжалик масалаларини ҳал этишга чек қўйилади. Бундай шароитда Советлар ўзларининг янги вазифаларини тезроқ ўзлаштириб олиб, тўла куч билан ишлашлари айниқса муҳимдир. Акс ҳолда хатарли ҳокимиятсизлик вужудга келади.

Қуйидагиларни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман: Советларнинг янги системасини вужудга келтириш натижасида мамлакат Президенти ўз вазифаларини ижро эта туриб, таяна оладиган механизм вужудга келади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари системасида Президентнинг ролини мен умуман қандай тасаввур қиламан?

Энг аввало, қайта қуриш муқаррарлигининг кафолати бўлиш, ҳуқуқий давлатчиликни, ўзини-ўзи бошқарадиган социалистик жамиятни тузиш ишини қатъий ва ҳеч оғишмай олиб бориш унинг энг муҳим вазифасидир.

Ҳокимиятни бўлиш принципи вазифаларни аниқ белгилаб беришни кўзда тутади. Аммо уларнинг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги имкониятларини ва заруратини ҳам инкор этмайди. Мен Совет давлати бошлиғининг ва унинг ҳузурида тузилаётган Президент кенгашининг асосий вазифаларидан бири ана шунда, деб биламан. Мазкур ташкилотни давлат тараққиётининг ва ижтимоий тараққиётнинг асосий соҳаларида катта сиёсий арбоблар, мутахассисларнинг коллективи, деб тасаввур қиламан. У ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари юзасидан тавсияларни ишлаб чиқади ва зарур бўлиб қолганда шошилинч ечимларни таклиф этади.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, менинг тушунишимча, Президент ўзини қандайдир алоҳида қатлам ёки сиёсий оқимнинг вакили бўлиб деб эмас, балки бутун халқнинг ишончли кишиси деб ҳис этиши ва иш юритиши керак.

Бу, албатта, Президент ўз сиёсий эътиқодидан воз кечиши керак, деган маънони билдирмайди, лекин ғоят холис ва бегараз тарзда жамиятда мавжуд бўлган қарашлар ва қонуний манфаатларнинг бутун кўламини эътиборга олишга тайёрлигини, мамлакат ва халқ фаровонлигини ҳамма нарсадан ҳам устун қўйиб, қасамёдга мувофиқ иш кўришини билдиради.

Шу муносабат билан бу ерда, Съездда ҳам жўшқин, баъзан эса кескин мунозараларга сабаб бўлган масалага тўла аниқлик киритиш керак. Мен Президент билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимларини қўшиб олиб боришни кўзда тутмоқдаман. Бугун ҳам, яқин истиқболда ҳам қайта қуриш манфаатлари бундай ўриндошликни тақозо қилмоқда, деб ҳисоблаётган депутатларнинг фикрига қўшиламан.

Халқ депутатларининг ҳозирги Съезди СССР Конституциясининг 6- ва 7-моддаларига ўзгартиш киритиб жамиятимиз демократиясини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб бермоқда. Бундан буён КПСС бошқа сиёсий ташкилотлар билан баб-баравар иш кўради, сайловда қатнашади, иттифоқ ва республика ҳуқуматларини, жойлардаги ҳокимият органларини демократик усуллар билан тузиш ҳуқуқи учун курашаверади.

Шу муносабат билан Президентнинг ва унинг ҳузурида тузиладиган идораларнинг энг муҳим вазифаларидан бири, менинг назаримда, сиёсий ечимлар ва ижтимоий ҳаракатларни бирлаштиришдан иборат. Президент ҳокимияти демократизми ижтимоий тафаккур турли йўналишлари вакиллари билан мулоқот ва ҳамкорликни, Президентнинг у ёки бу ташаббуслари ва программаларини ишлаб чиқишда уларнинг қатнашишларини тақозо этади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу биринчи галда СССР халқ депутатларига тааллуқлидир. Менинг назаримда, Президент кенгаши таркибида жуда катта ва масъулиятли роль ўйнайдиган съезд, Олий Совет, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, ижодий уюшмалар, фан ва маданият муассасалари, оммавий ахборот воситалари билан алоқа боғлаб турадиган махсус кишилар бўлиши зарур.

Ниҳоят, Президент барқарор жамоат тартибининг, гражданлар ва давлат хавфсизлигининг кафолати бўлиши керак. Биз ҳаммамиз ҳозир бошқарув ва ижроия ҳокимиятининг заифлиги ва фаолиятсизлигини бартараф этиш зарурлигини сезиб турибмиз. Бу, аслини олганда, Президент лавозимини жорий этишни кечиктирмаслик сабабларидан бири бўлди.

Жамиятда аҳвол издан чиқаётганлиги хавфи билан боғлик хавотирлик кучаймоқда. Мен бунда зўравонлик, муросасизликни, миллий адоватни авж олдириш, турли шартлар ёрдамида давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказиш йўли билан ўз мақсадига эришишга уринишларни назарда тутаяпман.

Баъзи гуруҳлар ва арбоблар қўрқувни, граждан уруши, тўнтариш, миллий ҳалокат хавфини ва шу сингари хавф-хатарларни авж олдириш йўли билан ўз қарашларини тиқиштиришга ошкора умид боғламоқдалар. Аммо жамият умуман, мамлакат сиёсатига таъсир ўтказишнинг бундай усулларини қабул қилмайди, қайта қуриш мақсадларига тубдан зид бўлган, ҳали ўзини мустаҳкамлаб олмаган демократиямиз учун хатарли бўлган бундай усулларни рад этади. Жараёнларнинг бундай ривожланишига қатъиян чек қўйиш даркор.

Президент ҳокимиятининг вазифаси — гражданларнинг ҳаётига, мол-мулки, қадр-қиммати ва хавфсизлигига тажовуз қилиш соҳасида ҳам, шунингдек чайқовчилик, пинҳона иқтисодиёт соҳасида ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган тус олган жиноятчиликка қарши қатъият билан курашишдан иборат. Шу мақсадда тегишли қонунлар ижроси устидан қатъий назоратни йўлга қўйиш, зарур фармонлар чиқариш ва, албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлаш талаб этилади. Суд, тергов аппарати, прокуратуранинг мавқеи, ҳуқуқ ва масъулияти улар ҳал этиши зарур бўлган вазифаларга мувофиқ бўлиши учун уларни ислоҳ қилишни жадаллаштириш зарур, деб ҳисоблайман.

Мен масалани шу тарзда ўртага қўяр эканман, ҳуқуқ бузилишига олиб келаётган сабаблар бартараф этилиши учун давлат ва хўжалик идораларининг, барча кадрларимизнинг масъулиятини истисно этмайман. Жиноятчилик кўп ҳолларда ўз илдизи билан хўжасизликка, исрофгарчиликка, мулкка нисбатан ҳурматсизлик муносабатига, моддий қадриятлар, жамоат тартиби зарур даражада ҳисобга олинмаётганлигига бориб тақалмоқда.

Советларнинг янги имкониятларидан фойдаланиш, бу ишга жамоатчиликни жалб этиш, матбуотнинг фаол иштироки зарур тартиб ўрнатиш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ҳеч қандай ҳокимият одамларнинг биргаликда нормал яшаши учун зарур бўлган ахлоқий негизларни ўзгартиришга қодир эмас. Ўтмишда мамлакатимизда аслида маънавийликни назарписанд қилмай, уни идеализм деб ҳисоблаганлар, эндиликда эса бу бизга ғоят қимматга тушмоқда. Биз ғоят кенг маънода меҳнатга, илм-фанга, таълимга, санъатга, маданиятга бошқача, виждонан муносабатда бўлишимиз зарур. Барча маънавий қадриятлар жамиятнинг тўлақонли мавжудлиги ва ривожланишининг ҳаётий зарурати сифатида тушунилиши учун шарт-шароит яратиш керак.

Халқларимиз ўзларининг узоқ тарихи мобайнида, жумладан Совет даврида тўплаган ғоят бой маданий бойлигимизга таяниб, жаҳон цивилизацияси қадриятларидан баҳраманд бўлиб, жамиятдаги инсоний муносабатлар бутун муҳитини яхшилаш, Ватанни фаровон қилишга интилаётган барча кишиларни бирлаштириш зарур.

Биз буни ҳали чинакамига англаб етмаган кўринамиз. Гуруҳбозлик жанжаллари жамиятимизни кемирмоқда. Айниқса, зиёлилар орасида низолар ўч олишгача бориб етмоқда. Зиёлиларимиз мамлакат тарихининг мана шу қалтис бурилиш босқичида кўп иш қилишлари лозим. Кимлардир жамиятда бирлик бўлишини ва унинг мақсадга мувофиқлигини умуман шубҳа остига қўймоқда. Мен , бу фикрга қўшилмайман. Қийин дақиқаларда ҳамиша халқ тўсиқларга қаршилик кўрсатиш, уларни бартараф этиш учун ўз кучларини тўплайди. Одамлар ўзларининг маънавий мураббийлари деб билган кишиларнинг вазифаси эса — ана шундай бирликка бутун чоралар билан ёрдам беришдан иборат.

Бугунги кунда қайта қуришга ҳалақит бераётган барча нарсаларни бартараф этиш учун унинг сиёсати ва ғоялари тевирасида бирлашиш зарур, албатта.

Ташқи сиёсат тўғрисида. Кейинги йилларда ташқи сиёсатимиз реализм ва соғлом фикр синовидан ўтди. Дастлабки ёндашув «совуқ уруш»га чек қўйиш ва бевосита уруш хавфини бартараф этиш имконини берди. Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсеварлик сиёсати моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллади. Шунинг учун мен ташқи сиёсатимизга нисбатан бирёқлама, баъзан масъулиятсиз ҳужумларни қатъиян рад этаман. Халқ депутатларининг биринчи Съезди совет халқи номидан ташқи сиёсатга оид маълум қарорни қабул қилиб, уни амалга оширишнинг кафолати бўлди. Президентнинг барча хатти-ҳаракатлари ана шу қарорнинг ҳарфи ва руҳига қатъиян мос бўлиши лозим.

Жаҳон тараққиётининг бурилиш босқичида, урушдан кейинги ҳарбий-сиёсий мувозанат структураси муҳим ўзгаришларга дуч келаётган пайтда бизда Президент муассасаси жорий этилмоқда. «Совуқ уруш»га барҳам берилди, бироқ ҳарбий мухолифлик ҳали бартараф этилмаган. Шунинг учун ҳавфсизликни таъминлашнинг сиёсий усуллари шубҳасиз устун бўлган шароитда оқилона етарлилик ва янги ҳарбий доктрина принциплари асосида мамлакатнинг мудофаа сиёсатига раҳбарлик, СССР Қуролли Кучлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам Президент фаолиятида сўзсиз ўрин олиши керак. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Мен эндиликда Президент сифатида шундай бўлади, деб сизларни ишонтиришни истайман.

Ҳозирги вақтда биз ҳарбий соҳада ҳам чуқур ислоҳотни амалга оширишимиз зарур. Бу борада катта тўқумдаги мураккаб масалаларни ҳал этишимизга тўғри келади ва бу Президентнинг, Президент кенгашининг, ўз-ўзидан равшанки, СССР Олий Совети билан ҳамкорликдаги муҳим юмушларидан бири бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, халқ депутатлари Съезди тасдиқлаган принципга — Олий Совет ёки Съезднинг рухсатисиз мамлакат ташқарисида қуролли кучларни қўлланиш қатъиян ва то абад истисно қилиниши принципига содиқ эканлигимни тасдиқлашни истайман. Ташқаридан қўқисдан ҳужум бўлганидагина бунга амал қилмаслик мумкин.

Яқин вақт ичида ташқи сиёсат соҳасида нима ишлар қилиниши керак? Катта натижаларга эришиш мақсадида қурол-яроғларнинг барча асосий турлари юзасидан музокаралар жараёнини жўшқинлик билан олдинга силжитиш асосий вазифалардан биридир. Шу йилнинг ўзидаёқ бундай натижаларга эришилса яхши бўларди.

Вашингтонда Президент Буш билан бўладиган учрашувга катта ечимлар тайёрланмоқда. Бу ечимлар Совет — Америка муносабатларини яхшилашда янги қадамни билдирибгина қолмай, жаҳон сиёсатининг ижобий тенденцияларини мустаҳкамлашда икки буюк давлатимизнинг муҳим ҳиссасига ҳам айланди. Шарқий Европада биз билан иттифоқчи бўлган барча олти мамлакатда тарихий аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлди. Улар билан тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўз йўлини ўзи танлаш эркинлиги принциплари асосида муносабатлар ўрнатиб, бу муносабатларда янгича тафаккурга зид бўлган барча нарсаларни чиқариб ташлаб, неча ўн йиллик қалин мулоқотда тўпланган барча қимматли, чинакам тараққийпарвар қадриятларни сақлаб қолиш муҳимдир.

Германия масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу масала ҳозир Европа сиёсатининг марказидадир. Шу кунларда позициямизни кўп маротаба баён этиб беришимга тўғри келди. Позициямиз халқимизга ҳам, барча манфаатдор томонларга ҳам яхши маълум. Унинг моҳияти шундан иборатки, немисларнинг табиий бирлашиш ҳуқуқи амалга оширилиши Германия территориясида уруш хавфини батамом ва абадул-абад бартараф этиши керак. Бошқа барча жиҳатлар — тўрт давлатнинг ҳуқуқи ҳам, чегараларнинг бузилмаслиги ҳам, Умумевропа жараёни билан алоқа ҳам, Германиянинг НАТОда бўлиши номақбуллиги ҳам, иккинчи жаҳон уруши якунлари юзасидан сулҳ шартномаси зарурлиги ҳам шундан келиб чиқади.

Халқаро воқеаларнинг жадал ривожи АҚШ ва Канада иштирокида шу йилнинг кузида олий даражадаги умумевропа учрашувига янгича аҳамият касб этади. Европа марказида бирлашган Германия вужудга келаётганини ҳисобга олиб, блок системасини хавфсизлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик коллектив органлари билан алмаштириш тўғрисида ўйлаб кўриш пайти келди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ «Хельсинки-икки»га қараб йўл тутишимиз керак, бу шартнома халқаро муносабатлар тарихидаги икки даврни боғлаши мумкин.

Бир қанча нуфузли мамлакатлар қўшма баёнотлар ва ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир ўнлаб битимларни имзоладилар. Бу ҳужжатларга ўзаро содиқлик—барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётнинг, Европада эса — «Умумевропа хонадони» сари реал ҳаракатнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу билан биз маҳкам боғландик. Президент мазкур ҳужжатлардаги принципиал ва амалий тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назорат қилишга ҳақлидир.

Янгича фикрлаш сиёсати ривожланаётган мамлакатларга қизиқишимиз сусайганини билдирмайди. Тенг ҳуқуқ учун, ижтимоий тараққиёт, демократия ва инсонга муносиб турмуш учун курашаётган давлатлар билан бирдамлигимиз ўзгармасдир.

Осиё — Тинч океани йўналишида Владивосток ва Красноярск ташаббусларини изчиллик билан амалга ошириш, уларни аниқ, амалий муносабатлар майдонига ўтказишга тўғри келади.

Бизни буюк Ҳиндистон билан кўп йиллик мустаҳкам ҳамкорлик боғлаб турибди. Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорлик яхши ривожлана бошлади.

Европада ва Осиёда тинчликсевар ҳамжамиятларни вужудга келтириш жараёнлари, менинг фикримча, охир-оқибатда бутун Европа ва Осиё кенглигида хавфсизликнинг ягона системаси билан якунланиши керак.

Яқин Шарқдаги вазиятни жиддий англашга, биз учун, бутун жаҳон ҳамжамияти учун муҳим бўлган регионда фаол сиёсатимизни тиклашга тўғри келади.

Лотин Америкаси ташқи сиёсий алоқаларимизда борган сари каттароқ ўрин эгаллаяпти. Бу ерда ҳам халқаро тараққиётнинг ижобий тенденцияларини биргаликда кучайтириш имконияти вужудга келмоқда.

СССРнинг жаҳон-хўжалик алоқалари системасига қўшилиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги халқаро куч-ғайратларда иштирок этиши муаммоси доимо Президентнинг диққат марказида бўлиши керак.

Дунёнинг ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бениҳоя аҳамиятини яна тасдиқлашни истардим. БМТ ролининг тикланиши ва унинг бунёдкорлик вазифалари кучайиши инсоният тарихида тинч давр сари ҳаракатнинг энг муҳим омиллари эканлигига ишончим комил.

Сўзимни якунлаб, шуни айтишни истардимки, барчамиз, юздан ортиқ халқларнинг ўғил ва қизлари ўз миллий ва маданий анъаналаримиз билан, беназир хусусиятларимиз билан ягона хонадонда яшаяпмиз. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти лавозимининг роли ва вазифаси мамлакатда миллий тотувликни, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳини қарор топтиришдан иборат, деб биламан. Гражданлар осойишталиги принципларини қарор топтириш, халқ манфаатларини баён этиб, ҳимоя қилиш — СССР Президенти сифатида мен учун энг олий мақсад ва муқаддас бурчдир.

Халқимизга, унинг иродасига, ахлоқига, ақл-заковати ва билимига, унинг соғлом идрокига таянмай туриб, Президент ҳокимиятини ижро этиш билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни тасаввур қила олмайман.

Қайта қуришни илгари суришга ҳал қилувчи ҳиссасини қўшаётган ишчилар синфининг мададига умид қиламан.

Ер юзида чинакам хўжайин бўлган совет деҳқонларининг бунёдкорлик кучига ишонаман, унинг меҳнатига эрк бериб, озиқ-овқат муаммосини ҳал этамиз.

Ақл-заковат ва маънавий қудрат кучини талаб қилувчи қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этган ва ҳал этадиган фан ва маданият арбобларига, бутун совет зиёлиларига ўз фикрим ва нигоҳимни умидворлик билан қаратаман. Ёшлардан, масъулиятли сиёсий қарорлар қабул қилишда, уларни рўёбга чиқаришда йигит ва қизларнинг реал иштирокидан, ёшликнинг бунёдкорлик куч-ғайратидан умидим катта.

Мен катта авлоднинг донолигига ва умум иши учун бутун умрлари давомида синовдан ўтган ғамхўрлигига, унинг Советлар ҳокимияти обрў-эътибори мустаҳкамланишидан манфаатдорлигига доимо таяна олишимга ишонаман.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари сафларида ўз бурчини ҳалол адо этиб, мамлакатимиз ичида тинч ўзгаришларнинг мустаҳкам кафолатини яратаётган кишиларга ҳам мурожаат қиламан.

Президент сифатида мамлакатимиздаги энг нуфузли сиёсий куч бўлган коммунистлар партиясига ўзининг XXVIII съездига Ҳаракат дастурини амалга оширишда муваффақиятлар тилайман. Партия эълон қилган программавий мақсад — инсонпарвар мақсад, демократик социализм халқ орзу-умидларига, унинг очиқ, демократик, адолатли ва гуллаб-яшнаётган жамиятда яшашга интилишига мос келади.

Мамлакатимиз оғир даврни бошидан кечирмоқда. Лекин агар биз ғайрат-шижоат билан, аҳил ҳаракат қилсак, албатта ана шу қийинчиликларни бартараф эта оламиз.

Қўрқув ва тушкунликка барҳам бериб, ўз кучимиз ва имкониятларимизга ишонч билан қарашимиз керак. Куч ва имкониятларимиз эса жуда катта. Рус халқи ва у билан кўп миллатли буюк давлатга бирлашган бошқа халқлар ўзларининг умумий ватанини тиклай оладилар. Ва албатта, қайта қуриш ҳамда социалистик янгиланиш йўлларида бунга эришадилар.

СЪЕЗД ПРЕЗИДЕНТ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Депутат **Т. П. Буачидзе** мазкур масалани Олий Советнинг Миллатлар Советига бериш керак ва фақат шундан кейингина ялпи муҳокамага тақдим этиш лозим, деб таъкидлади.

Депутат **А. К. Орлов** Литвадаги вазият муҳокама қилинган чоғида баъзилар бу республикада нималар содир бўлаётганини ва илгари қандай тадбирлар белгиланганини дурустроқ билишмайди, деб айтган нотиқлар билан баҳслашиб, М. С. Горбачев ва бошқа ўртоқлар мазкур республикага яқинда сафар қилишганини эслатиб ўтди. Шунинг учун ҳам СССР халқ депутатлари учинчи Съездининг Литва Олий Совети қарорига зарур баҳо берилган баёнотини қабул қилиш керак, деб уқтирди у.

1940 йилнинг 15 июнь куни СССРнинг бронетанк қўшинлари ҳеч қандай референдумсиз Литва территориясига бостириб кирдилар, деди депутат **Н. Н. Медведев** ўзидан илгари сўзга чиққан нотиқларнинг фикрига қарши чиқиб. У Съезд қатнашчиларига мурожаат этиб, таклиф этилаётган баёнотни қабул қилишдан олдин обдон ўйлаб кўришга даъват этди.

Белоруссия ва Литва кўп асрлик муштарак тарихга эгадирлар, деб уқтирди депутат **В. М. Семенов**. У 1940 йилнинг ноябрь ойида БССРнинг бир қанча территориялари Литва Совет Республикасига берилганлигини эслатиб ўтди. Ҳамонки, Литва бир томонлама тарзда шартномаларни бекор қилаётган экан, БССР ўзи қабул қилган қарорларни қайта кўриб чиқишга ва илгари Белоруссия Литвага топширган территорияларни қайтариб беришни талаб қилишга мажбур бўлади.

Депутат **И. С. Тихонович** Олий Советга мурожаат қилиб, поляклари унутманг, деб таъкидлади. Вильнюс ўлкасида яшаётган ва аҳолининг кўпчилигини ташкил этаётган поляклар Литва Республикаси составида Польша автоном округини тузиш ниятидадирлар. Бу округда миллатдан қатъи назар тиллар ва одамларнинг тўла тенглиги таъминланади.

Болтиқбўйида вужудга келган вазият хусусида ҳозирги Съездда қарор қабул қилиниши керак, деди депутат **Н. С. Петрушенко**.

Депутат **А. А. Шчелканов** ўз нутқининг бошида ҳамкасбларига мурожаат қилиб: одамлар, оғир-вазмин бўлайлик, деб даъват этди. Бу ўринда гап мамлакат учун принцип жиҳатдан янги ҳодиса ҳақида бормоқда. Мабодо масала ҳозир ҳал этиладиган бўлса, қонун доирасида ҳал этиш лозим бўлади. У қарорнинг мазкур таҳририни рад этди, лойиҳани қайта ишлашни талаб қилди.

Болтиқбўйида ҳозир СССР Конституцияси қўполлик билан бузилмоқда, деб таъкидлади депутат **В. И. Яровой**, аммо бу анча илгари бошланган эди. Лекин қонунни шу таҳлитда бузишларни қоралайдиган ҳужжат эндигина пайдо бўлганлиги ачинарлидир. Вазият эндиликда мураккаб бўлиб тургани учун ҳам шу ҳужжатни қабул қилиш керак.

Депутат **Г. Л. Курдюмов**, мамлакатимизда «кўп» сўзини учта тушунчага нисбатангина қўлланиш мумкин, — деди, — яъни территория кўп, тартибсизлик кўп; эҳтиросларнинг кўпдир. Айни вақтда қуйидаги тенденция кўзга ташланмоқда: тартибсизликлар ва эҳтиросларнинг қанча кўп бўлса, территория шунчалик камайиб кетиши мумкин. Нотиқ ана шу тенденция хусусида жиддий ўйлаб кўришга даъват этди ва жуда лўнда ҳужжат қабул қилиб, Литва ССР Олий Советининг ультиматум тарзидаги талабларини қоралашни таклиф этди.

Литва халқига мурожаатдек, шу қадар масъулиятли ҳужжатни қабул қилишдан илгари иккала томон ҳам кўпгина жиҳатларни ойдинлаштириб, идрок этиб олишлари керак, деди депутат **В. М. Фалин**. Ҳужжатнинг руҳида эҳтиросларнинг жўш урмасдан, у имкони борича амалий бўлиши лозим, деган таклифни нотиқ умуман қўллаб-қувватлади. У Съездга муҳокама этилаётган масала юзасидан ихчам қарор лойиҳасини таклиф этди.

Депутат **Р. А. Медведев** муҳокама чоғида босиқ, вазмин бўлишга даъват этди. Нотиқ бу масалани оқилона ҳал этиш яна шу жиҳатдан ҳам муҳимки, ҳойнаҳой бу ҳужжат ҳозиргина сайланган СССР Президентининг биринчи акти бўлса керак, деб таъкидлади.

Депутат **Р. А. Биковнинг** фикрича, қабул қилинадиган қарор СССР халқ депутатлари ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқини эътироф этишларини тасдиқлаши лозим.

Шундан кейин сўзга чиққан СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат план комитетининг раиси **Ю. Д. Маслюков** Литванинг СССР составидан чиқиши иқтисодий оқибатларини рўй-рост кўрсатиб турган бир қанча конкрет рақамларни тилга олди. Бунинг оқибатида кўриладиган зарарнинг умумий миқдори қарийб 18 миллиард сўм бўлади, бу маблағ тахминан Литванинг икки йиллик миллий даромадига баробардир. Нотиқ Литва Олий Совети Раисининг Н. И. Рижковга мурожаатидан кўчирмани тилга олди.

Нотиқнинг фикрича, Литва парламентининг қарорига бериладиган жавоб нечоғлиқ каттик бўлиши масаласи ҳал этилаётганида, мазкур қарорлар игвогарона бир тарзда, шоша-пиша ва Съездни писанд қилмай қабул қилинганлигини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Депутат **Е. В. Коган** нутқида Болтиқбўйидаги рус тилида сўзлашадиган аҳолини ажратиб қўйиш ва камситишга оид бир қанча фактларни айтиб ўтди. Қарор лойиҳасини қисқача таърифлаб, нотиқ бу ҳужжат хусусида бир қанча конкрет таклифлар айтди.

Шундан кейин **М. С. Горбачев** сўзга чиқди. У Литва масаласи хусусида мулоҳаза билдиришни сўраб, президиумга тушган хатни ўқиб эшиттирди.

Масаланинг моҳияти юзасидан жавоб бермоқчиман ва сўзга чиқмоқчиман, деди Президент. Лекин шакл хусусида қуйидагиларни айтиб ўтишни истар эдим: вазият ўзгарган ҳолда ҳам биз ўзимизнинг мулоқот усулимизни сира ўзгартира олмаймиз.

Сўзга чиққан нотиқлар, деб таъкидлади сўнгра М. С. Горбачев, мамлакатимиз ички ҳаётининг ана шу бош масаласига ўз муносабатини билдирмасдан Съезд якунланиши мумкин эмас, деб якдиллик билан айтдилар. Съезд номига келган телеграммалар Литвада ҳозир содир бўлаётган воқеалар хусусида одамлар жуда ташвишланаётганликларидан далолат бериб турибди.

Биз бу муаммони муҳокама қилаётганимизда Литва, бутун мамлакат ва ҳатто Европа ва жаҳон кўз ўнгимизда туриши керак. Бу масалани жўнлаштириш ҳам керак эмас. Биз сабр-бардош билан иззат-икромни намоён этиб келдик, ҳозир ҳам намоён этмоқдамиз. Назаримда барча нутқларнинг мазмуни ҳам худди ана шундайдир.

Биз бир неча ой мобайнидагина эмас, сўнгги бир ярим-икки йил ичида литвалик ўртоқлар, Литва халқи билан фаол мулоқот қилиб турибмиз. Ана шундай мулоқот юритиб, ҳозиргача тўғри йўл тутдик, деб ўйлаймиз. Агар ҳозир бу жараён шу қадар ўткир шакллар касб этган экан, бунда фикримча, марказнинг ҳам, барча республикалар вакилларининг ҳам айби йўқ. Улар иззат-икром, сабр-бардош ва ўртоқлик руҳини намоён этдилар ва намоён этмоқдалар.

Шу билан бирга биз эндиликда шундай бир маррада турибмизки, унинг ортида тўхтатиш лозим бўлган жараёнлар бошланади, бунинг аломатлари ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди. Биз бу ҳақда Литва халқига ҳам, бутун мамлакатга ҳам, жаҳонга ҳам очиқ-ойдин айтишимиз керак. Жаҳон ҳам бизнинг позициямизни, халқ депутатлари Съезди позициясини кутиб турибди.

Мен съезд иш бошлаган кезда айтган гапларимга асосланишни истар эдим. Съезд ва биз ҳаммамиз, совет халқининг ҳоҳиш-иродасини ифода этиб, Литва халқига ҳурмат туйғусини сақлаб турибмиз, Литва халқи бошқа-ю, уни боши берк кўчага етаклаётганлар, халқ тақдирини хавф остига қўяётганлар бошқалигини биламиз. Биз Литва халқига ҳам ва ўз фаолиятини биз хабардор бўлган қарорлар қабул қилиниши билан боғлаётган кўп кишиларга ҳам ёрдам беришимиз керак. Аммо айни вақтда ҳурматни ва сабр-бардошни сақлашимиз, принципиаллик ва қатъият кўрсатишимиз керак.

Шу муносабат билан Президент ҳужжат лойиҳасини ахборотга дахлдор тафсилотлардан ҳоли қилиб, ҳозирги вақтда жуда зарур бўлган, вазиятнинг ўзи тақозо этаётган муҳим сиёсий ва ҳуқуқий таъкидлар ва топшириқлар билан чекланиб қарор қабул қилишни таклиф этди.

М. С. Горбачев таклиф этган қарор матнини Съезд кўпчилик овоз билан қабул қилди.

Съезд ҳисоб комиссиясининг раиси **Ю. А. Осипьян** СССР Олий Совети Раиси сайлови юзасидан яширин овоз бериш натижалари аниқланган Ҳисоб комиссиясининг мажлиси тўғрисида маълумот берди. Овоз бериш учун сайлов бюллетенларини 1896 нафар СССР халқ депутати олди, — деди у. Сайлов қутилари очилганида 1890 та бюллетень чиқди. 6 бюллетень бекор қилинди. Берилган овозлар қуйидагича тақсимланди: Велихов — ёқлаб 60, қарши — 1824 овоз; Казанник — ёқлаб 75, қарши — 1809 овоз; Лубенченко — ёқлаб 377, қарши — 1507 овоз; Лукьянов — — ёқлаб 1202, қарши—682 овоз; Рябченко — ёқлаб 26, қарши—1858 овоз; Собчак— ёқлаб 77, қарши—1807 овоз; Федоров — ёқлаб 39, қарши — 1845 овоз; Фильшин — ёқлаб 22, қарши — 1862 овоз.

Шундай қилиб, халқ депутатларининг кўпчилик овозини олиб, яъни рўйхатдаги составнинг 53,6 фоизи овозини олиб, А. И. Лукьянов СССР Олий Советининг Раиси бўлди.

Съезд Ҳисоб комиссияси протоколини тасдиқлади ва ўртоқ **Анатолий Иванович Лукьяновни** СССР Олий Советининг Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети Раиси **А. И. Лукьянов** сўзга чиқди.

Зиммамга жуда катта мажбурият юклайдиган лавозимга сайлаб ишонч билдирганлигингиз учун чуқур миннатдорчилик изҳор этаман, деди А. И. Лукьянов. Сўнгра у бундай деди:

Бундан қарийб бир йил муқаддам мен ана шу минбардан СССР Олий Совети ва Съездимиз қандай юмушларни адо этиши лозимлиги тўғрисида гапиришимга тўғри келган эди. Биз ўшанда ҳокимият олий органининг расмий, нуфузи тушиб кетган, дабдабали ҳолатига барҳам бериш лозимлиги ҳақида гапирган эдик. Ўшанда биз турлича нуқтаи назарлар, позицияларни аниқлашга имкон берадиган ишчан, талабчан органни тузиш лозимлиги ҳақида, Съезд ва Олий Совет кўриб чиқа олмайдиган бирорта ҳам масала бўлмаслиги тўғрисида, биз ошкора, омманинг кўз ўнгида ва меҳнаткашлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб ишлашимиз кераклиги ҳақида гапирган эдик.

Қонунчилик соҳасидаги катта вазифалар тўғрисида ва Олий Совет фаолиятининг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам гапирилган эди. Агар қилинган ишга бугунги кун позицияларидан туриб назар ташласак, ҳар қалай, анчагина ишлар қилинди, деб айтиш учун бизда барча асослар бор. СССР Олий Совети ғайрат билан ишламоқда, мазкур Олий Совет «итоаткор» бўлгани йўқ, «сталинча-брежневча» орган ҳам бўлгани йўқ. Бунинг устига Олий Совет ишида дабдаба ҳам йўқ. Ўн ой мобайнида халқ депутатлари Съезди ва Олий Совет 28 та энг муҳим қонун ва 220 дан кўпроқ қарор қабул қилди. Гарчи анчагина қийинчиликларга дуч келган бўлсак ҳам ишимизда кўпгина янги, жиддий дастурлар ҳам пайдо бўлди. Шу билан бир қаторда илгаригига нисбатан анча кўп иш қилишимиз керак бўлади, албатта.

Сайланганимдан кейинги ана шу мухтасар нутқимда нималарни таъкидлаб ўтишни истар эдим?

Биринчидан, ҳозир биз кўппартиявийлик нафасини яққол ҳис этиб турган эканмиз, бир жиҳатдан, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги замиридаги ижобий омилдан имкони борича кўпроқ фойдаланиб, иккинчи жиҳатдан эса, худди ана шу сиёсий фикрлар хилма-хиллиги юзага келтираётган кескинлик муҳитини торайтириб, Олий Совет ишини ташкил этишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Коммунистик партия Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури партиямиз вакилларини қайта қуриш тарафдори бўлган барча кучлар билан доимий мулоқотга даъват этмоқда. Эл орасида бир нақл бор: кимки ёшлигида радикализмга мойил бўлмаган экан, унда дил нима қилсин; кимки етуклик ёшига кирганида консерватизмга садоқатли бўлмаган экан, унда ақл нима қилсин. Бошқа ҳикматли гаплар қатори бу нақлнинг ҳам шартли жиҳатлари бор. Аммо Олий Совет ишида у ҳам бу ҳам, яъни етук ақл ва навқирон радикализм ҳам бир-бирига пайванд бўлиши лозим, бу фикрга қўшиласиз деб ўйлайман.

Хуллас, бизга амалдаги демократия зарур.

Иккинчидан. Олий Советда миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва истиқболи бугунгидек ниҳоятда диққат-эътибор билан таҳлил этилиши зарурлиги илгари ҳеч қачон бу қадар талабчанлик билан ҳис этилмаган эди. Ушбу Съездда масалалар муҳокама қилинаётганда ҳам биз бунга ишонч ҳосил қилдик. Назаримда, ҳар қандай миллат ва ҳар қандай элатнинг, шу миллат ва элатлар вакилларининг фикрига астойдил ҳурмат билдирилганидагина Олий Советнинг иши муваффақиятли бўлиши мумкин. Бу ўринда кўп нарса бизнинг ишимизга, Олий Советнинг ишига боғлиқ бўлади. Фикримча, иккала палата, яъни Иттифоқ Совети ҳам, Миллатлар Совети ҳам фаолроқ ишлаши, шундай қилиб, умумиттифоқ манфаати ҳам, миллий манфаатлар ҳам ифода этилиши лозим, деб гапирган ўртоқлар ҳақ гапни айтишди. Шундай қилинсагина, М. С. Горбачев бугунги нутқида айтганидек, Иттифоқ шартномасини янгилаш тўғрисида яқин орада

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ҲАМДА СССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

12-модда. Ижара корхоналарининг, коллектив корхоналарнинг, кооперативларнинг, акционерлик жамиятларининг, хўжалик ташкилотлари ва бошқа бирлашмаларнинг мулки коллектив мулкдир. Коллектив мулк давлат мулкини қонунда кўзда тутилган усулларда ўзгартириш ҳамда гражданлар ва ташкилотларнинг молмулкини ихтиёрий бирлаштириш йўли билан вужудга келтирилади.

13-модда. Умумиттифоқ мулки, иттифоқдош республикаларнинг мулки, автоном республикаларнинг, автоном областларнинг, автоном округларнинг, ўлкалар, областлар ва бошқа маъмурий-территориал бирликларнинг мулки (коммунал мулк) давлат мулкидир».

«51-модда. СССР гражданлари сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига бирлашиш, сиёсий фаолликни ва мустақилликни ривожлантиришга, ўзларининг хилма-хил манфаатларини қондиришга кўмаклашадиган оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамоат ташкилотларига ўз низомларидаги вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун шароит яратиш кафолати берилади».

3. СССР Конституцияси қуйидаги мазмундаги янги 15 (1) боб билан тўлдирилсин:

«15 (1) боб. СССР Президенти.

127-модда. Совет давлатининг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бошлиғи СССР Президентидир.

127(1)-модда. СССР Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган СССР граждани сайланиши мумкин. Бир кишининг ўзи икки муддатдан ортиқ СССР Президенти бўлиши мумкин эмас.

СССР Президенти СССР гражданлари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. СССР Президенти лавозимига номзодлар сони чекланмайди. СССР Президенти сайловида сайловчиларнинг камида эллик фоизи қатнашган тақдирда сайлов ҳақиқий деб ҳисобланади. Умуман ССР Иттифоқида ва кўпчилик иттифоқдош республикаларда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади.

СССР Президентини сайлаш тартиби СССР Қонуни билан белгиланади.

СССР Президенти халқ депутати бўлиши мумкин эмас.

СССР Президенти бўлган шахс фақат шу лавозимда иш ҳақи олиши мумкин.

127(2)-модда. СССР Президенти лавозимни ижро этишга киришиш чоғида СССР халқ депутатлари Съездининг мажлисида қасамёд қилади.

127(3)-модда. СССР Президенти:

1) совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига, СССР Конституциясига ва қонунларига риоя этилишининг кафили бўлади;

2) ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини, мамлакатнинг хавфсизлиги ва территориал бутунлигини муҳофаза этиш, СССРнинг миллий-давлат тузилиши принципларини рўёбга чиқариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан вакиллик қилади;

4) СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг баҳамжиҳат ҳаракат қилишини таъминлайди;

5) СССР халқ депутатлари Съездига мамлакатнинг аҳволи тўғрисида ҳар йили маълумотномалар тақдим этади;

СССРнинг ички ва ташқи сиёсати энг муҳим масалаларидан СССР Олий Советини хабардор қилиб туради;

6) СССР Олий Советига СССР Министрлар Советининг Раиси, СССР Халқ назорати комитетининг раиси, СССР Олий судининг раиси, СССР Бош прокурори, СССР Бош давлат ҳаками лавозимларига номзодларни тақдим этади, сўнгра эса шу мансабдор шахсларни СССР халқ депутатлари Съездига тасдиқлаш учун тақдим этади; мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш тўғрисида СССР Олий Советига ва СССР халқ депутатлари съездига тақдимномалар топширади, СССР Олий судининг раиси бундан мустаснодир;

7) СССР Министрлар Советининг истеъфога чиқиши тўғрисидаги ёки унинг истеъфосини қабул этиш ҳақидаги масалани СССР Олий Совети олдига қўяди; СССР Олий Совети Раиси билан келишиб, СССР ҳукуматининг аъзоларини лавозимидан озод қилади ва тайинлайди, кейинчалик СССР Олий Советининг тасдиғига тақдим этади;

8) СССР қонунларини имзолайди; қонунни ўз эътирозлари билан камида икки ҳафта муддат ичида такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун СССР Олий Советига қайтариб юборишга ҳақлидир. Агар СССР Олий Совети палаталарининг ҳар бирида овозларнинг учдан икки ҳиссасидан кўпчилик овоз билан илгари қабул этилган қарорни тасдиқласа, СССР Президенти қонунни имзолайди;

9) СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир;

10) давлат идораларининг мамлакат мудофаасини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради; СССР Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, СССР Қуролли Кучларининг Олий қўмондонлигини тайинлайди ва ўзгартиради, олий ҳарбий унвонлар беради; ҳарбий трибуналларнинг судьяларини таъминлайди;

11) музокаралар олиб боради ва СССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди; ўз ҳузуридаги чет давлатлар дипломатик вакилларининг ишонч ва чақириқ ёрлиқларини қабул этади; СССРнинг чет эллардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатия вакилларини тайинлайди ва чақириб олади; олий дипломатия мартабалари ва бошқа махсус унвонларни беради;

12) СССР орден ва медаллари билан мукофотлайди, СССРнинг фахрли унвонларини беради;

13) СССР гражданлигига қабул қилиш, ундан чиқариш ва совет гражданлигидан маҳрум этиш, бошпана бериш масалаларини ҳал этади, афв этади;

14) ялпи ёки қисман сафарбарлик эълон қилади; СССРга ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда уруш ҳолати эълон қилади ва бу масалани дарҳол СССР Олий Советининг муҳокамасига киритади; СССРни ҳимоя қилиш ва унинг гражданлари хавфсизлиги манфаатларини кўзлаб айрим жойларда ҳарбий ҳолат эълон қилади. Ҳарбий ҳолат жорий этиш тартиби ва режими қонун билан белгиланади;

15) СССР гражданларининг хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида айрим жойларда фавқулодда ҳолат эълон қилиниши ҳақида огоҳлантиради, зарурат бўлган тақдирда эса тегишли иттифоқдош республика Олий Совети Президиуми ёки давлат ҳокимияти олий идорасининг илтимосига биноан ёки уларнинг розилиги билан фавқулодда ҳолат жорий ҳам қилади. Бундай розилик бўлмаган тақдирда фавқулодда ҳолат жорий қилиб, қабул этилган қарорни дарҳол СССР Олий Совети тасдиғига киритади. СССР Олий Советининг шу масалага оид қарори унинг жами аъзолари камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул этилади.

Ушбу бандининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатларда иттифоқдош республиканинг суверенитетига ва территориал бутунлигига риоя этилиб, муваққат президентлик бошқаруви жорий қилиниши мумкин.

Фавқулодда ҳолат, шунингдек президент бошқаруви режими қонун билан белгиланади;

16) СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида келишмовчилик чиққан ва бу келишмовчиликни СССР Конституциясининг 117-моддасида кўзда тутилган тартибда бартараф этишнинг иложи бўлмаган тақдирда СССР Президенти мақбул қароргa келиш мақсадида баҳсли масалани кўриб чиқади. Башарти бир фикрга келишга муваффақ бўлинмаса ҳамда СССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг нормал фаолиятини бузадиган амалий хавф вужудга келса, Президент СССР Халқ депутатлари Съездига янги составдаги СССР Олий Советини сайлаш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

127(4)-модда. СССР Президенти федерация кенгашига бошчилик қилади, иттифоқдош республикаларнинг олий давлат мансабдор шахслари шу кенгаш таркибига кирадилар. Автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг олий давлат мансабдор шахслари федерация кенгаши мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

Федерация кенгаши: иттифоқ шартномасига риоя этиш масалаларини кўриб чиқади; Совет давлатининг миллий сиёсатини амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқади; СССР Олий Советининг Миллатлар Советига миллатлараро муносабатлардаги низоларни ҳал этиш ва можароли вазиятларни бартараф қилиш юзасидан тавсиялар беради; иттифоқдош республикалар фаолиятини мувофиқлаштириб туради ҳамда уларнинг СССР Президентининг ҳуқуқ доирасига кирадиган иттифоқ аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини таъминлайди.

Ўзининг миллий-давлат тузилишига эга бўлмаган халқларнинг манфаатларига дахлдор масалалар федерация кенгашида шу халқлар вакилларининг иштирокида қараб чиқилади.

Федерация кенгашининг мажлисларида СССР Олий Советининг Раиси ва палаталарнинг раислари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

127(5)-модда. СССР Президенти ҳузурида СССР президентлик кенгаши ишлайди, унинг вазифаси СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Президентлик кенгашининг аъзолари СССР Президенти томонидан тайинланади. СССР Министрлар Советининг Раиси лавозимига кўра СССР президентлик кенгаши таркибига киради.

СССР президентлик кенгашининг мажлисларида СССР Олий Советининг Раиси қатнашишга ҳақлидир.

127(6)-модда. СССР Президенти мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалаларини қараб чиқиш учун федерация кенгаши билан СССР президентлик кенгашининг қўшма мажлисларини ўтказади.

127(7)-модда. СССР Президенти СССР Конституцияси ва СССР Қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан фармонлар чиқаради, бу фармонлар СССРнинг бутун территориясида мажбурий кучга эга бўлади.

127(8)-модда. СССР Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эгадир ва у СССР Конституциясини ҳамда СССР қонунларини бузган тақдирда СССР халқ депутатларининг Съезди томонидангина лавозимдан туширилиши мумкин. Бу қарор Съезднинг ўз ташаббуси ёки СССР Олий Советининг ташаббусига биноан СССР халқ депутатлари Съезди томонидан СССР Конституцион назорат комитетининг хулосасини ҳисобга олиб, депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

127(9)-модда. СССР Президенти 127(3)-модданинг 11 ва 12-бандларида кўзда тутилган ўз вазифаларини ижро этишни СССР Олий Советининг Раисига ва СССР Министрлар Советининг Раисига, 127(3)-модданинг 13-бандида кўзда тутилган вазифаларини ижро этишни эса СССР Олий Советининг Раисига топшириши мумкин.

127(10)-модда. Агар СССР Президенти бирон-бир сабабга кўра келгусида ўз вазифаларини ижро эта олмайдиган тақдирда СССРнинг янги Президенти сайланмагунга қадар унинг ваколатлари СССР Олий Советининг Раисига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда СССР Министрлар Советининг Раисига ўтказилади. Бу ҳолатда СССР янги Президентининг сайлови уч ой муддатда ўтказилиши керак.

4. СССР Конституцияси «СССР Президенти» деган 15(1)-боб билан тўлдирилиши сабабли СССР Конституциясининг қуйидаги моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 77-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иттифоқдош республика ССР Иттифоқи ихтиёридаги масалаларни СССР халқ депутатлари съездида, СССР Олий Советида, СССР Олий Совети Президиумида, федерация кенгашида, СССР ҳукуматида ва ССР Иттифоқининг бошқа органларида ҳал этишда қатнашади».

2) 108-моддада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) СССР Олий Советини ва СССР Олий Советининг Раисини сайлаш»;

7 ва 8-бандлар чиқариб ташлансин;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) СССР Олий Совети Раисининг тақдимига биноан СССР конституцион назорат комитетини сайлаш»;

9, 10, 11, 12, 13-бандлар шунга мувофиқ равишда 7, 8, 9, 10, 11-бандлар деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмдан «СССР халқ депутатлари Съездининг СССР Олий Совети Раисини ёки унинг биринчи ўринбосарини чақириб олиш тўғрисидаги қарорлари СССР халқ депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади» деган сўзлар чиқариб ташлансин».

3) 110-модданинг 4 ва 5-қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР халқ депутатлари Съездининг навбатдаги мажлислари йилига камида бир марта ўтказилади. Навбатдан ташқари мажлислар СССР Олий Советининг ташаббусига биноан, унинг палаталаридан бирининг, СССР Президентининг, СССР халқ депутатларидан камида бешдан бир қисмининг таклифига мувофиқ ёки иттифоқдош республиканинг ўз олий давлат ҳокимияти органи орқали қилган ташаббуси билан чақирилади.

СССР халқ депутатлари Съездининг сайловдан кейинги биринчи мажлисини СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг раиси, сўнгра эса СССР Олий Советининг Раиси бошқаради».

4) 111-модданинг биринчи ва еттинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Олий Совети — СССР давлат ҳокимиятининг доимий ишлайдиган қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи органидир»;

«палаталарнинг қўшма мажлисларини СССР Олий Советининг Раиси ёки навбатма-навбат Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Раислари олиб борадилар».

5) 112-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Олий Совети ҳар йили СССР Олий Советининг Раиси томонидан навбатдаги — баҳорги ва кузги сессияларга, қоида тариқасида, ҳар бири уч-тўрт ой муддатга чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар СССР Олий Советининг Раиси томонидан ўз ташаббуси билан ёки СССР Президентининг, иттифоқдош республика давлат ҳокимияти олий органи орқали иттифоқдош республиканинг, СССР Олий Совети палаталаридан бири таркибининг камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилади».

6) 113-моддада:

2-банд 2 ва 3-бандлар тарзида қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

2) СССР Президентининг тақдимига биноан СССР Министрлар Совети раисини тайинлайди;

3) СССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига биноан СССР Министрлар Советининг составини ва унга киритиладиган ўзгартишларни тасдиқлайди; СССР Министрлар Советининг таклифига биноан СССР министрликларини ва СССР давлат комитетларини тузади ҳамда тугатади»;

3-банд чиқариб ташлансин;

7, 13, 14 ва 18-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) Гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва вазифалари амалга оширилишини, мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий қурилиш бошқарилишининг ташкил этилишини, бюджет-молия системасини, меҳнатига ҳақ тўлаш ва нарх белгиланишини, солиқ солинишини, атроф-муҳитининг муҳофаза қилинишини ва табиий ресурслардан фойдаланилишини, шунингдек бошқа муносабатларни СССР Иттифоқининг ҳуқуқи доирасида қонун йўли билан тартибга солиб туради»;

«13) Мудофаа ва давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий тадбирларни белгилаб беради; бутун мамлакатда ҳарбий ёки фавқулодда ҳолат жорий этади; агрессиядан ўзаро мудофааланишга оид халқаро шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилган тақдирда уруш ҳолатини эълон қилади;

14) тинчлик ва хавфсизликни сақлаш юзасидан халқаро шартномавий мажбуриятларни бажариш зарур бўлиб қолганда, СССР Қуролли Кучлари қисмларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади;

«18) СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқига эга»;

7) 114-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«114-модда. СССР халқ депутатлари Съездида ва СССР Олий Советида Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи СССР халқ депутатларига, Иттифоқ Советига, Миллатлар Советига, СССР Олий Советининг Раисига, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларига ва комитетларига, СССР Президентига, СССР Министрлар Советига, СССР Конституцион назорат комитетига, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимиятининг олий органларига, автоном областларга, автоном округларга, СССР Халқ назорати комитетига, СССР Олий судига, СССР Бош прокурорига, СССР Бош давлат ҳакамига тегишлидир.

Жамоат ташкилотларининг умумиттифоқ идоралари ва СССР Фанлар академияси ҳам Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эгадир».

8) 117-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«117-модда. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда масала палаталар тенг ҳуқуқли асосда ташкил этадиган келиштирувчи комиссия ҳал этиши учун тақдим этилади, шундан кейин Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети қўшма мажлисда масалани иккинчи марта кўриб чиқади».

9) 118-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

118-модда. СССР Олий Совети ишини ташкил этиш учун СССР Олий Советининг Раиси бошчилигидаги СССР Олий Советининг Президиуми тузилади. СССР Олий Совети Президиуми таркибига Иттифоқ Советининг Раиси ва Миллатлар Советининг Раиси, уларнинг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва комитетларининг раислари, бошқа СССР халқ депутатлари — ҳар бир иттифоқдош республикадан биттадан, шунингдек автоном республикалардан иккитадан, автоном областлар ва автоном округлардан биттадан вакил киради.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети Съезд ва сессияларнинг мажлисларини тайёрлайди, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг ва Олий Совет комитетларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, СССР қонунлари лойиҳаларини ва давлат турмушининг бошқа энг муҳим масалалари умумхалқ муҳокамасига қўйилишини ташкил этади.

СССР Олий Совети Президиуми СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатларининг Съезди, СССР Олий Совети, унинг палаталари, СССР Президенти қабул қилган бошқа ҳужжатлар матни иттифоқдош республикаларнинг тилларидан эълон қилинишини таъминлайди».

10) 119-модда чиқариб ташлансин.

120-модда 119-модда деб ҳисоблансин ва у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«119-модда. СССР Олий Советининг Раиси СССР халқ депутатлари Съезди томонидан СССР халқ депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга ва кўпи билан кетма-кет икки муддатга сайланади. У исталган вақтда СССР халқ депутатлари съезди томонидан яширин овоз бериш йўли билан чақириб олиниши мумкин.

СССР Олий Советининг Раиси СССР халқ депутатлари Съездига ва СССР Олий Советига ҳисоб бериб туради.

СССР Олий Советининг Раиси СССР Олий Советининг сессиясини чақириш тўғрисида қарорлар, бошқа масалалар бўйича фармойишлар чиқаради».

11) 121-модда чиқариб ташлансин.

122 ва 123-моддалар шунга биноан 120, 121-моддалар деб ҳисоблансин.

12) 124-модда 122-модда деб ҳисоблансин ва у икки модда тарзида қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«122-модда. СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Совети ташкил этадиган ёки сайлайдиган СССР Министрлар Советига бошқа идораларнинг раҳбарларига СССР халқ депутатлари Съездида ва СССР Олий Совети сессияларида, СССР Президентига эса СССР халқ депутатлари Съездида сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Сўров билан мурожаат қилинган идора ёки мансабдор шахс Съезднинг шу мажлисида ёки СССР Олий Советининг шу сессиясида уч кундан кўп бўлмаган муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб қайтаришга мажбурдир.

123-модда. СССР халқ депутатлари СССР халқ депутатларининг Съездида СССР Олий Советида, унинг палаталарида, комиссиялари ва комитетларида, шунингдек аҳоли орасида депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган муддатда хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан холи бўлиш ҳуқуқига эга.

СССР халқ депутати СССР Олий Советининг розилигисиз, унинг сессиялар орасидаги даврда эса — СССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд йўли билан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас».

13) 125, 126 ва 127-моддалар тегишлича 124, 125 ва 126-моддалар деб ҳисоблансин.

14) 124-моддада:

2, 3, 4 ва 5- бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) СССР халқ депутатларининг камида бешдан бир қисмининг, СССР Президентининг, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг таклифлари асосида СССР халқ депутатлари Съездига СССР қонунлари ва Съезд қабул қилган бошқа ҳужжатлар СССР Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларни тақдим этади.

СССР халқ депутатлари Съездининг топшириғига, СССР Олий Советининг таклифига биноан СССР Президенти фармонларининг СССР Конституциясига ва СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

3) СССР халқ депутатлари Съездининг топшириғига, СССР Олий Совети, СССР Президенти, СССР Олий Совети Раиси, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг таклифларига биноан СССР халқ депутатлари Съездига ёки СССР Олий Советига СССР Конституциясининг иттифоқдош республикалар Конституциясига Иттифоқдош республикалар қонунларининг эса СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

4) СССР халқ депутатлари съездининг топшириғига, СССР Олий Совети аъзоларининг камида бешдан бир қисмининг, СССР Президентининг, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг таклифларига биноан СССР Олий Советига ёки СССР Президентига СССР Олий Совети ва унинг палаталари ҳужжатларининг, ана шу органлар муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳаларнинг СССР Конституциясига ва СССР халқ депутатлари Съезди қабул қилган СССР қонунларига, СССР Министрлар Совети қарорлари ва фармойишларининг эса СССР Олий Совети қабул қилган СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида; СССРнинг ҳамда иттифоқдош республикаларнинг халқаро шартномалари ва бошқа мажбуриятларининг СССР Конституциясига ва СССР қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради;

5) СССР халқ депутатлари Съездининг топшириғига, СССР Олий Совети, унинг палаталари, СССР Президенти, СССР Олий Совети Раиси, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссиялари ва комитетларининг, СССР Министрлар Совети, иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органлари, СССР Халқ назорати комитети, СССР Олий суди, СССР Бош прокурори, СССР Давлат бош ҳаками, жамоат ташкилотларининг СССР Конституциясига мувофиқ прокурор назорати амалга оширилмайдиган норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг СССР Конституциясига ва СССР Қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради.

15) 125-модданинг биринчи ва иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Совети ўзларига ҳисоб берадиган барча давлат органларини назорат қилиб туради.

СССР Олий Совети ва СССР Президенти СССР Халқ назорати комитети фаолиятини йўналтириб туради».

16) 130-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР Министрлар Совети ўз иши тўғрисида йилига камида бир марта СССР Олий Советига ҳисобот бериб туради ва ўз фаолиятидан СССР Президентини мунтазам хабардор қилади.

СССР Олий Совети ўз ташаббусига ёки СССР Президентининг таклифига биноан СССР ҳукуматига ишончсизлик билдириши мумкин, бу эса ҳукуматнинг истеъфо беришига олиб келади. Ушбу масала хусусидаги қарор СССР Олий Совети аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади».

17) 131-моддада:

Биринчи қисм қуйидаги таҳрирда берилсин:

«СССР Министрлар Совети давлат бошқарувининг ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган, СССР Конституциясига биноан СССР халқ депутатлари Съезди, СССР Олий Совети ва СССР Президенти ваколатига кирмайдиган барча масалаларни ҳал этишга ҳақлидир»;

Биринчи қисмдаги 3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) Гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш, мулк ва жамоат тартибини қўриқлашга оид тадбирларни амалга оширади;

4) мамлакат мудофаасини ва давлат хавфсизлигини таъминлашга оид чоралар кўради»;

5-банд чиқариб ташлансин;

6 ва 7-бандлар шунга биноан 5 ва 6-бандлар деб ҳисоблансин ҳамда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) СССРнинг хорижий давлатлар билан муносабатлари, чет мамлакатлар билан ташқи савдо, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги соҳасида умумий тадбирларни амалга оширади; СССРнинг халқаро шартномаларни бажаришини таъминлашга оид чоралар кўради; ҳукуматлараро халқаро шартномаларни тасдиқлайди ва бекор қилади;

6) зарурат бўлганда СССР Министрлар Совети ҳузурида комитетлар, бош бошқармалар ва бошқа идоралар ташкил этади».

18) 133-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«133-модда. СССР Министрлар Совети СССР қонунлари СССР халқ депутатлари Съездининг СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Президентининг фармонлари асосида ва уларни ижро этиш учун қарорлар ва фармойишлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини текширади. СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари СССРнинг бутун территориясида ижро этилиши мажбурийдир».

19) 135-модданинг 4-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССР министрликлари ва давлат комитетлари ўзларига топширилган бошқарув соҳаларининг ҳолати ҳамда ривожлантирилиши учун жавобгардирлар; улар ўз ваколатлари доирасида СССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Президентининг фармонлари, СССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун ҳужжатлар нашр этади; улар ижросини йўлга қўяди ва текширади».

20) 152-модданинг биринчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СССРдаги барча судлар, ҳарбий трибуналларнинг судьяларидан ташқари, судьялар ва ҳалқ маслаҳатчиларини сайлаб қўйиш асосида ташкил этилади»;

«ҳарбий трибуналларнинг судьяларини СССР Президенти тайинлайди, халқ маслаҳатчилари эса ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида очиқ овоз бериш билан сайланади».

21) 171-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«171-модда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Давлат Гимнини СССР Олий Совети тасдиқлайди».

III. 1. СССРнинг биринчи Президентини СССР халқ депутатлари Съезди беш йил муддатга сайлайди, деб белгилансин.

Ана шу сайловда жамоат ташкилотлари ўзларининг умумиттифоқ органлари орқали, СССР Олий Совети, унинг ҳар бир палатаси, СССР халқ депутатларининг камида 100 кишидан иборат группалари ва иттифоқдош республикалар давлат ҳокимияти олий органлари орқали СССР Президенти лавозимига номзодлар кўрсатишлари мумкин. СССР халқ депутатлари умумий сонининг ярмидан кўпроғи овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Агар овоз бериш чоғида номзодлардан ҳеч бири овозларнинг ярмидан кўпроғини олмаган бўлса, энг овоз кўп олган икки номзод қайта овозга қўйилади.

2. СССР Президенти этиб сайланган шахс қасамёд қилган пайтидан бошлаб ўз лавозимини бажаришга киришади. СССР Президенти қасамёдининг қуйидаги матни тасдиқлансин:

«Мамлакатимиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий риоя этишга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, зиммамга юкланган СССР Президентининг юксак вазифаларини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

IV. Ушбу қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

СССР Олий Советининг Раиси
М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 14 март.

«Бобурнома» ёзилганлигининг 460 йиллиги

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган «Бобурнома» китоби ўзбек адабиётида ҳасби ҳол йўсинида яратилган дастлабки асар ҳисобланади. Унинг ёзилганига 460 йил бўлди.

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида шу санага бағишланган кеча ўтказилди. Кечага Бобур истеъдодининг иқлосмандлари, носирлар ва шоирлар, олимлар, адабиётшунослар, талабалар, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари келишди.

Ёзувчи Пиримқул Қодиров Бобур ва унинг «Бобурнома» асари ҳақида кириш нутқи сўзлади.

Асли Фарғона водийсидан бўлган Бобур тарихга адиб, давлат арбоби, қўмондон, Ҳиндистонда Буюк мўғуллар сулоласининг асосчиси сифатида кирган. У ўзининг дастлабки катта ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳасби ҳол йўсинидаги асарида 1493 йилдан боғлаб 1529 йилгача ҳаётида рўй берган турли воқеаларни акс эттирган. Уч бўлимдан — Фарғона, Қобул, Ҳиндистон бўлимларидан иборат китобда жанговар юришлар, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон табиати ва қишлоқ турмушининг манзаралари ёркин акс этган, феодал даври зодагонларининг турмуши, ўша даврнинг урф-одатлари ва таомиллари тасвирланган. П. Қодиров Бобурнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирар экан, Карамзиннинг «Россия давлатининг тарихи» китобида эслатиб ўтилган умрбоқий бобокалонимизнинг ҳасби ҳолидаги қизиқ бир воқеа устида тўхталди. Бобур китобни ёзиб тугаллаган, Ҳиндистонга ҳукмрон бўлган 1530 йилда Русия билан дўстона алоқалар ўрнатиш, айни пайтда рус халқи билан алоқаларга қай даражада муҳим аҳамият берилаётганлигига шама қилиб, ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи Хожа Ҳусайннинг элчи сифатида Москвага юборган эди.

«Бобурнома»нинг кўп тилларга таржима қилинганлиги, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Германия, Англия бошқа мамлакатларда нашр этилганлиги бу асарнинг байналмилал аҳамияти қай даражада эканлигидан далолат беради. Американлик олимлардан Вильямс Эрскин, Стени Лейнпул, Рашбрук Вильмяс Бобур ижодини тадқиқ этганлар. Атоқли ҳинд мунаққиди Муни Лаъл олти китобдан иборат катта асар ёзган. Кечада «Бобурнома» ёзилганлигининг 460 йиллиги республикамиздагина эмас, айни вақтда бутун Ўрта Осиё регионида кенг нишонланажаги таъкидланди.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Бобур ҳақида гапириб, унга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Кечада ўзбек адабиёти атоқли намояндасининг шеърий асарларидан парчалар янгради. Ўзбекистон санъат усталари Бобур рубоийлари ва ғазалларига басталанган қўшиқларни ижро этдилар.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари У. Р. Умарбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Халқ депутатлари маҳаллий Советлари Ижроия комитетларининг ер масалалари хусусида чиқаётган можароларни қониқарсиз ҳал этаётганликлари тўғрисида» қарор қабул қилди

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд этадики, кейинги вақтларда хўжаликларнинг чегаралари ўзгариши, уларнинг майдалашуви, янги колхоз ва совхозлар тузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва Республика Министрлар Советига одамлардан коллектив ва группа бўлиб ёзилган мурожаатлар тез-тез кела бошлади.

Бунинг сабаби шуки, жойлардаги халқ депутатлари район ва область Советларининг ижроия комитетлари меҳнаткашларнинг мурожаатларига жавоб бермаяптилар, улар кўтарган масалаларни ҳал этишни сансалор қилмоқдалар, шунингдек жойлардаги вазиятни яхши билмайдилар, аниқ-равшан масалаларни ҳал қилиш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишни хоҳламаяптилар.

Чунончи, Самарқанд область Ургут районида жойлашган (ўртоқ Турсунов) «Октябрь» колхозидаги Чагизман, Софиён, Торинжон ва Ялпоқтепа қишлоқларининг аҳолиси хўжаликни кичрайтириш масаласини ҳал этишни сўраб район ижроия комитетига, Самарқанд область ижроия комитетига бир неча бор мурожаат қилган. Бироқ, райижроком билан оближроком масалани ўз вақтида кўриб чиқмадилар, узил-кесил изоҳлаб бермадилар. Шунинг оқибатида аҳоли (100 киши) бўлиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматига мурожаат этишга мажбур бўлган.

Бухоро область Қоракўл районидаги «Коммунизм» колхозидан бир гуруҳ кишилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советига мурожаат қилдилар. Қоракўл район ижроия комитети (ўртоқ Тошев) шу колхоз аҳолисининг масаласини ҳал этишда сансалорлик, бюрократизм ва расмиятчиликка йўл қўйган, бу эса норозиликка сабаб бўлган, низоли вазиятни вужудга келтирган ва аризачиларни бевосита республика идораларига мурожаат этишга мажбур қилган.

Фарғона область (ўртоқ Фозилов) Риштон районининг «Сўх» совхозида ер масалаларига оид баҳслар узоқ вақтдан бери ҳал этилмаяпти.

Самарқанд (ўртоқ Қиличов) Фарғона (ўртоқ Фозилов) ва Бухоро (ўртоқ Гатаулин) область ижроия комитетлари принципиаллик кўрсатмадилар ва юқоридаги масалаларни ўз вақтида ўша ернинг ўзида ҳал этмадилар. Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини ўз вақтида, эътибор билан кўриб чиқиш, бу ишда давлат тартибини ўрнатиш, келгусида рўй берадиган баҳсли ва низоли вазиятларни ҳал этишда сансалорликка, бюрократизм кўринишларига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилади:**

Меҳнаткашларнинг илтимос ва истакларига бюрократларча, расмиятчилик ва бепарволик билан қараганлиги учун Ургут район ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Турсуновга қаттиқ виговор эълон қилинсин;

Самарқанд область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. Р. Қиличов Ургут ва Пастдарғом районларидаги низоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўрмаганлиги учун унга виговор эълон қилинсин;

Фарғона областининг Риштон райони билан Ўш областининг Боткент райони ўртасидаги баҳсли чегара масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда нотўғри ва нохолисона позицияда турганлиги учун Фарғона область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Г. Фозилов қаттиқ огоҳлантирилсин.

«Коммунизм» колхози аъзоларининг шикоятида кўтарилган масалалар ўз вақтида ҳал этилмаганлиги учун Қоракўл район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Д. С. Тошев ва Бухоро область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ш. К. Гатаулин қаттиқ огоҳлантирилсин. Ўртоқ Д. С. Тошевнинг Қоракўл район ижроия комитети аҳолининг баҳсли ер масалаларини ўз жойида ҳал этиш юзасидан ҳамма чораларни кўради ва бу масалалар юзасидан республиканинг раҳбар идораларига мурожаат қилиш тўхтатилади, деб берган баёноти эътиборга олинсин.

Самарқанд, Фарғона, Бухоро область ижроия комитетларининг раисларига (Қиличов, Фозилов, Гатаулин ўртоқларга) юқорида кўрсатилган хўжаликлар ва районларнинг меҳнаткашлари кўтарган ҳамма масалаларни 5 кун муддат ичида кўриб чиқиб, қабул этилган қарорлар ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига маълумот бериш топширилди.

Район ижроия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг раислари зимасига меҳнаткашлар ўртага қўйган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, вужудга келаётган баҳсли ва низоли вазиятларни бартараф қилиш соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун шахсан масъулият юклатилди.

Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари соҳасидаги сансалорлик, уларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик, меҳнаткашлар раҳбар идораларга асосли мурожаат этган тақдирда аризачиларга нисбатан бюрократизм, дағаллик, бағритошлик, эътиборсизликнинг ҳар қандай факти хизмат бурчини жуда қўпол бузиш деб, раҳбарларнинг аҳоли талабларини ҳал эта олмаслиги ва буни истамаслиги деб баҳолансин.

Меҳнаткашларнинг хат ва шикоятларини кўриб чиқиш ишида давлат тартиби ўрнатиш юзасидан узил-кесил чораларни кўрмаганлиги учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги Давлат-кооператив комитетининг раиси ўртоқ Р. И. Каримов қаттиқ огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги Давлат-кооператив комитети бир ой муддат ичида ерларни ижарага ва пудратга бериш тўғрисида турли минтақаларнинг шароит хусусиятларига қараб табақалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин.

Аҳолининг иш билан яхшироқ таъминланишини йўлга қўйиш мақсадида бригада, ижара, оила ва якка тартибдаги пудратларни, шунингдек меҳнатни ташкил этишнинг бошқа кооператив усулларини жорий қилиш кенг одат тусига киритилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига ер масалаларини ҳал этишда қуйидаги тартибга риоя этиш топширилди: колхозлар барпо этиш ва уларни кичиклаштириш ишлари колхозчилар умумий йиғилишининг ёки меҳнат коллективи йиғилишининг қарорига мувофиқ кўпчилик овоз билан ўтказилсин, бу қарор халқ депутатлари Советининг район ижроия комитети томонидан тасдиқланадиган бўлсин;

Янги совхозлар ташкил этиш, ишлаб турган совхозларни кичрайтириш, колхозларни совхозларга айлантириш. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ва область ижроия комитетларининг ҳуқуқ доирасига кирадиган масалалар бўлиб, шу тартибда Ўзбекистон ССР Давлат-кооператив қишлоқ хўжалиги комитети ва Ўзбекистон ССР Молия министрлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун асосларига биноан ерга оид баҳсли масалаларни ҳал этиш маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари томонидан қуйидаги тартибда ҳал этилиши эътиборга олинди:

район ичидаги ердан фойдаланувчилар ўртасида вужудга келган баҳслар — халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари томонидан;

область ичидаги районлар ўртасида вужудга келган баҳслар — халқ депутатлари область Совети ижроия комитети томонидан;

областлар ва Қорақалпоғистон АССР ўртасида вужудга келган баҳслар — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан ҳал этилади. Ерга оид баҳс вужудга келган тақдирда масала судларнинг ёки давлат ҳакамлигининг муҳокамасига топширилади.

Қишлоқлар ўртасида ер хусусида ва бошқа хусусларда вужудга келган баҳсли масалаларни тезроқ ҳал этиш учун маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига қишлоқнинг обрў-эътиборли ва хизмат кўрсатган кишилари орасидан (ҳар бир аҳоли пунктида) сайлов асосида ўзини-ўзи бошқарадиган кенгашлар тузиб, уларга аҳоли пункти номидан иш кўриш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини бериб қўйиш тавсия этилди.

• *«Совет Ўзбекистони» «Наврўзнома»си*

Марҳабо!

Соғиндим ўзим,
Она Наврўзим.
Қайларда эдинг,
Тўрт бўлди кўзим,
Кел эй, Наврўзим.

Кўкламдан дарак
Тотли сумалак.
Мақтовинг учун
Қуйилар сўзим,
Кел эй, Наврўзим.

Яшил либосинг,
Гулми қиёсинг!
Бахтимдай кулсин
Кечам-кундузим,
Кел эй, Наврўзим.

Сен ғолиб келдинг,
Бахт олиб келдинг.
Ғулларинг тақсин
Ўғил ва қизим,
Кел эй, Наврўзим.

Шарқона байрам,
Бунчалар хуррам.
Энди ҳеч қачон
Кўрмагин тўзим,
Кел эй, Наврўзим.

Осиё бўйлаб
Кезавер ўйнаб.
Нон берган халқим
Оқлайин тузин,
Кел эй, Наврўзим.

Пўлат МУМИН.

«Гуллар қўйнида». Ғ. Алиев сурат-лавҳаси.

Улуғ Ғафурович ҒУЛОМОВ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг директори Улуғ Ғафурович Ғуломов 1990 йил 15 март куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

У, Ғ. Ғуломов 1933 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. У 1955 йилда Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг физика-математика факультетини тугатди. Шундан кейин унинг бутун меҳнат фаолияти Ўзбекистон Фанлар академияси билан боғлиқ бўлиб, оддий илмий ходимдан институт директоригача бўлган йўлни босиб ўтди.

Улуғ Ғафурович юқори энергиялар физикаси, энг юқори энергиялар физикаси, нурланиш материалшунослиги ва активация таҳлил соҳасида катта олим бўлиб етишган эди. У республикада амалий ядро физикаси шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшди, энг юқори энергиялар ядро физикаси соҳасидаги илмий мактабга асос солди.

Марказий ва хорижий нашриётларда 180 га яқин илмий асарлар эълон қилди, 20 га яқин фан номзодини тайёрлади.

У, Ғ. Ғуломов адронлар когерент диссоциацияси соҳасидаги асарлар туркуми учун Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1974 йилда унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

У атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишни мувофиқлаштириш кенгаши раисининг ўринбосари, тезлаштиргичлар бўйича халқаро Беркли кенгашининг аъзоси, «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ахбороти» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзоси сифатида катта илмий-жамоатчилик ишларини олиб борди.

Дилкаш инсон ва катта олим Улуғ Ғафурович Ғуломовнинг ёркин хотираси дўстлари, сафдошлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида доимо сақланиб қолади.

Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ў. Р. Умарбеков, М. С. Салоҳиддинов, О. В. Лебедев, А. М. Акромхўжаев, Ш. С. Зиёмов, А. А. Кист, У. Ҳ. Расулев, Т. Р. Рашидов, А. Ғ. Холмуродов, М. Ш. Шарифхўжаев, Э. Ю. Юсупов.

ҚОЛОҚЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК, АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРАЙЛИК

16 март куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги ходимларининг касб байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда тармоқнинг асосий вазифалари сифатида республика шаҳарлари ва қишлоқлари аҳолиси қулайлиги учун барча шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириб бориш, маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби масалалар тўғрисида сўз борди. Тўпланганлар ҳузурида республика маиший хизмат кўрсатиш министрининг биринчи ўринбосари Н. Хуранов доклад қилди.

Ўтган беш йиллик мобайнида тармоқнинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасида ишлаётган коллективлар жиддий вазифаларни ҳал этишлари зарур.

Йиғилишда тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш тармоқ меҳнат коллективларига ўткир муаммоларни ҳал этишда, Ўзбекистон аҳолисига хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришда ёрдам бериш таъкидланди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашди.

(ЎзТАГ).

• *Спорт*

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА ЮРИШ ТЕРМИЗ-90

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

19 март, душанба

УзТВ-I. 17.30 «Наврўз келганда». 17.55 Баҳор тароналари. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 «Наврўз гуллари» 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.50 Ёзувчи ва замон. 20.30 Ахборот. 20.50 Наврўз наволари. 21.30 Время. 22.00 Ойнаи жаҳонда. 22.20 Концерт.

УзТВ-II. 19.00 Мактаб: ўзгаришлар даври. 19.35 Телефильм. 20.00 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм. ФРУНЗЕ. 21.30 Время. 22.00 Қадир тун. 23.00 «Номаълум кишининг ҳикояси». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.25 РСФСР халқларининг мусиқий фольклори. 10.05 Футбол шарҳи. 10.35 «Аткинс». Бадиий фильм. 12.00 Мўъжизасиз мўъжизалар. 13.00 Концерт. 13.35 Сўнгги манзилгоҳ. 16.00 Мусиқий фильм. 17.00 Концерт. 17.25 Болалар соати. 18.25 Қурувчи. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Г. Карева куйлайди. 20.15 «Дуэлдан сўнг». Фильм-спектакль. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Дуэлдан сўнг» фильм-спектаклининг давоми. 23.15 Футбол шарҳи. 23.45 Святослав Рихтер концерти. 00.50 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 Итальян тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35 ва 12.35 Астрономия 12.05 Финляндия телевидениесининг программаси. 13.05 Киноконцерт. 13.50 «Бернардо Альбанинг уйи». Бадиий фильм. 18.00 Бир актёр театри. 19.00 Время. 19.30 Мусаввир Селиверстов вертикали. 20.10 Урал оқшомлари. 20.30 Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Коллаж. 20.50 Хор учун концерт. 21.30 Болаликка саёҳат. 22.30 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. 23.20 «Қиличбозлик». Халқаро турнир.

20 март, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 Баҳор байрами. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.00 «Баҳор мўъжизалари». Бадиий фильм. 17.25 Мультфильм. 17.35 Наврўз. 18.05 Инсон болалигидан бошланади. 18.55 Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирайлик. 19.30 Ахборот. 19.45 Адабий кўрсатув. 20.30 Ахборот. 20.50 Адабий мусиқий композиция. 21.30 Время. 22.00 Ассалом, Наврўз! 23.30 «Тошкент» студияси.

УзТВ-II. 19.05 Дўстлик программаси. 20.05 Шаҳар ва одамлар. 20.40 Жумҳуриятнинг меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш. ДУШАНБЕ. 21.30 Время. 22.00 Шоми жавони.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.15 «Дуэлдан сўнг». Фильм-спектакль. 11.35 Бу бўлган... бўлганди. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 13.30 Бу ажойиб етук ёш. 14.40 ва 15.55 Ҳужжатли фильм. 16.50 «Шчелкунчик» балети. 17.20 Ҳужжатли фильм. 17.45 Финляндия телевидениеси. 18.15 Сиз бунга қодирсиз. 19.00 Время. 19.30 Фестиваль белгилари. 20.00 Илмий-оммабоп фильм. 20.10 «Дарахтзорда» Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 А. Аблабердиева куйлайди. 22.45 Резонанс. 24.00 Хорижий рус маданияти. 00.50 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 География. 12.05 Уй академияси. 12.05 «Воннвур қалби» Бадиий фильм. 1-серия. 14.10 Ритмик гимнастика. 17.20 Концерт. 18.00 Мультфильм. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси.

21 март, чоршанба

УзТВ-I. Ўзбекистон телевидениеси биринчи марта баҳор байрами Наврўзга бағишланган узлуксиз давом этадиган кўрсатувлар программасини ўтказади. Программа соат 10.00 дан бошланади. 20.30 Ахборот. 21.05 Наврўзга бағишланган узлуксиз телекўрсатувнинг давоми. 21.30 Время. 22.05 Телекўрсатувнинг давоми.

УзТВ-II. ДУШАНБЕ. 18.00 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун кўрсатув. 19.30 Нашри Наврўзи Ахбор. 20.00 Байрам программаси. 21.30 Время. 22.00 Хуш омади Наврўз.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.40 «Шчелкунчик балети». 10.10 «Дарахтзорда». Бадиий фильм. 1-серия. 11.25 Камалак. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Время. 13.30 Кўклам келаяпти. 14.15 Хорижий рус маданияти. 16.15 Сиз бунга қодирсиз. 17.00 Болалар соати. 18.00 Телефильм. 19.00 Время. 19.30 Долзарб интервью. 19.40 Концерт. 20.00 «Дарахтзорда». Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Футбол. Европа чемпионати. 24.00 Сиёсий мулоқотлар. 01.00 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Физика. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 13.05 Телефильм. 14.10 Футбол. СССР кубоги. 15.50 Кўҳна Псков жилолари. 17.30 С. Лукин чалади. 17.45 Грузия ССР Давлат телерадиоси. 18.45 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси.

22 март, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. 12.00 Болалар учун театр. 12.50 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм. 17.30 Ўқитувчи экрани. 18.05 Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоқлари. 18.35 Мультфильм. 18.50 Инсон омили — бош мезон. 19.20 Шеърият дафтаридан. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.25 Реклама. 20.30 Ахборот. 20.50 Навоийхонлик. 21.30 Время. 22.00 Долзарб мавзу. 22.20 Ўзбекистон композиторлари. Дони Зокиров. 23.20 «Тошкент» студияси.

УзТВ-II. 19.05 «Ровесник». 19.45 Реклама. 19.55 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм. ФРУНЗЕ. 21.30 Время. 22.00 Инсон ҳузурига. 22.15 «Қримда ҳар доим ҳам ёз бўлавермайди». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00. «120 минут». 9.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 10.40 Дарахтзорда». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 Концерт. 12.30 Мультфильм. 12.45 Л. Бондаренко чалади. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 13.30 Болалар соати. 14.30 Давомли суҳбат. 16.30 Фильм-концерт. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.20 Агар сиз... 18.05 «Владимир Познер Донахью ва болалар». 19.00 Время. 19.30 Л. Сандулесу куйлайди. 19.45 Телеспектакль 21.00 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 21.30 Время. 22.00 Шоир А. Дербенев. 23.15 Долзарб интервью. 00.40 ТСН.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман! 9.35 ва 10.35 Биология. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Адабиёт. 12.05 Илмий-оммабоп фильмлар. 13.05 «Воннвур қалби». Бадиий фильм. 3-серия. 14.10 Ритмик гимнастика. 14.40 Илмий-оммабоп фильм. 14.45 Псков тупроғи. 17.30 Ҳужжатли фильм. 17.50 «Иқрорлик». Балет. 18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффусда — Ҳайрли тун, кичкинтойлар!

23 март, жума

УзТВ-I. 11.30 Цирк. 12.10 Телефильм. 12.40 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм. 17.30 Ҳужжатли фильм. 18.05 Мультфильм. 18.30 Ҳуқуқ бизнинг ҳаётимизда. 19.00 Деҳқон юмушлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Унутилмас сатрлар. 20.30 Ахборот. 20.50 Камолот сари. 21.30 Время. 22.00 Одобнома. 22.15 «Гаровга олинган». Бадиий фильм. 23.30 Янгиликлар.

УзТВ-II. 19.05 Телефильм. 19.30 «Юлька». Бадиий фильм. 20.45 «Тошкент» студияси. ДУШАНБЕ. 21.30 Время. 22.00 «Конгакт».

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.35 Йил фасллари. 10.35 Ҳужжатли фильм. 11.05 Концерт. 11.45 Ҳужжатли фильм. 12.05 «Донахью ва болалар». 13.00 Время. 13.30 Ҳужжатли фильм. 14.00 Фильм-концерт. 14.30 Ҳужжатли фильм. 17.00 Фильм-концерт. 17.40 Қувноқ стартлар. 18.25 Ҳужжатли фильм. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Мультфильмлар. 20.00 Сиёсий мулоқотлар. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Бу бўлган... бўлганди. 22.30 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман! 9.35 ва 10.35 Мусиқа. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 География. 12.05 Онам, дадам ва мен. 13.05 «Воннвур қалби». 14.00 Телеочерк. 14.10 Болалар учун фильм. 17.30 Ўзбекистон Давлат телерадиоси. 18.20 Концерт. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси. Танаффусда — Ҳайрли туп кичкинтойлар!

24 март, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ёшлик. 11.00 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм. 12.15 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга! 12.45 Актёрлар ва роллар. 13.45 Амалий давра суҳбати. 14.45 Ёшлик. 18.05 Қўғирчоқ фильм. 18.25 Санъат ғунчалари. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.50 Мультипанорама. 20.30 Ҳафтанома. 21.10 Оқшом эртаклари. 21.30 Время. 22.00 Дўстлар даврасида.

УзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 «Савту калом». 10.05 Дурдона. 10.35 Менинг қўшиғим. 11.20 «Отиш ҳуқуқи». Бадиий фильм. ФРУНЗЕ. 16.05 Мультфильм. 16.15 Реклама. 16.25 «Акселерад қиз». Бадиий фильм. 18.15 Эл чигирмачилиги. 19.00 Миллий ишчи кадрлар ҳақида. 20.00 Мезгил. 20.30 Коз караш. 21.30 Время. 22.00 Кумуш оҳанглар. 22.45 «Адолат». Спектакль.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.20 Сиз яратган боғ. 9.50 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.20 София бал рақслари. 10.50 Инсон. Ер Коинот. 11.50 Ер — Она масканимиз. 11.55 Ҳайвонот оламида. 12.55 Болалар учун фильм. 14.10 Спектр. 14.40 «Хали урушдан аввал. Бадиий фильм. 1-серия. 15.45 Визнинг мерос. 16.25 Георг Отс — мусиқа рицари. 17.25 Сиёсий мулоқотлар. 17.55 Камалак. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.30 Солдатлар куйлаганда. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Телескоп. 22.30 Бахтли тасодиф. 23.35 Оммабоп куй янгиликлари.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Концерт. 9.00 «Осойишта застава». Бадиий фильм. 10.30 Тараққиёт, Ахборот, Реклама. 11.00 «Александр Невский». Бадиий фильм. 12.55 Педагогика ҳамма учун. 14.00 Ҳужжатли фильм. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Коллаж. 17.35 Виват, Россия! 18.15 Нотаниш кишилар учун совғалар. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессияси.

25 март, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм. 11.35 Ёш спортчи мактаби. 12.40 Светофор. 13.40 Ёш олимлар телеклуби. 14.25 Алифбо сабоқлари. 15.00 «Мукаррама опа ва 40 ғўзал». 15.50 Ҳужжатли фильм. 16.15 «Ёшлик». 17.45 Реклама. 18.05 Қўғирчоқ фильм. 18.30 Китоб бизнинг дўстимиз. 19.30 Ахборот. 19.50 Киноконцерт. 20.30 Ахборот. 20.50 Анъаналар этади давом. 21.30 Етти кун. 22.30 «Баҳор» рақс ансамбли концерти.

УзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 Саҳеда. 10.05 Реклама. 10.15 Офарин. 11.15 Фильм-концерт. 11.45 ва 18.05 «Вершина» тўлқинларида». Бадиий фильм. 19.30 Телетомошабин ҳамроҳи. 20.00 Ҳафта. 20.30 Ҳужжаатли фильм. 20.45 Концерт. 21.30 «7 кун» 22.30 Фарханг ва ҳунар.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.30 Мусиқий киоск. 14.00 Греция мустақиллик куни. 14.50 «Хали урушдан аввал». Бадиий фильм. 2-серия. 15.15 Хиросима конгресси. 17.45 Қишлоқ янгиликлари. 18.00 Марафон — 15. 19.30 Концерт. 19.45 Мультфильм. 19.55 «Ягона йўл». Бадиий фильм. 21.30 «7 кун». 22.30 Абадият ҳақида ўйлар. 22.45 Мусиқий фильм.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Скрипкачилар ансамблининг чиқиши. 9.20 Ҳужжатли фильм. 9.40 «Бегона ўйинлар». Бадиий фильм. 11.00 Ҳужжатли фильм. 11.15 Мультфильм. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.30 Болалар учун фильм. 14.40 Ҳужжатли фильм. 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.00 «Киносерпантин». 1-дубль 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Киносерпантин. 2-дубль. 21.30 «7 кун». 22.30 «Киносерпантин». 3-дубль. 00.45 «От тарихи». Фильм-спектакль. 02.50 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

БУГУН ТЕРМИЗ ШАҲРИДА МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА СПОРТЧА ЮРИШ БЎЙИЧА ЖУМҲУРИЯТ МУСОБАҚАСИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

Бугун Термиз шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги мусобақанинг ўзига хос томони бор. Гап шундаки, марафончилар бош соврин учун курашиш билан бирга, жумҳурият спартакиадаси программаси бўйича учта медаль учун баҳслашадилар. Чунончи, эркаклар ва аёлларнинг марафон масофага югуриши ва 50 километрга спортча юриши бўлади. Демак, соврин учун кураш спартакиадага тайёргарлик босқичи бўлиб қолади.

Бугунги кунда спортча юриш бўйича халқаро класс-даги спорт мастери Рўзина Ивайлова марафончилар фахри ҳисобланади. Спорт мастерлари, мастерликка номзодлар сафи юздан ошиб кетди. Маҳмуд Сайфуллаев, Владимир Белобородов, Игорь Владимиров, Тошпўлат Розиқов, ёшлардан Виталий Чернов, Улуғбек Мамадалиев, Синдор Тўраевлар бош совринга асосий даъвогарлардан ҳисобланади.

Бугун Термизда ўзига хос спорт байрами. Шаҳарнинг марказий майдонида мусобақанинг тантанавий очилиши маросими бўлади. Кейин мактаб ўқувчилари ва шаҳарлик меҳнаткашлардан иборат кўпминг кишилик оммавий югуриш уюштирилади. Сўнг асосий баҳслар бошланади. Бу сафар қариб 200 нафар спортчи, 14 масофа бўйлаб ўтгуради. Асосий масофа 42 километр 195 метр бўлиб, қизлар ва ўсмирларнинг югуриши, спортча юришини ташкил этиш мақсадида қисқа масофаларга ҳам баҳслар ўтказиш кўзда тутилган. Ўйлаймизки, бу галги совриндорлик баҳси ҳам кўнгилдагидек ўтади.

А. НОРМУРОДОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия тўрмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04143. № 64. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12